

MARCH-APRIL
2021

ROSTOV-ON-DON , RUSSIA



МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

**СОВРЕМЕННЫЕ НАУЧНЫЕ
РЕШЕНИЯ АКТУАЛЬНЫХ
ПРОБЛЕМ**

Conference proceedings available
at virtualconference.press



Editorial board/Редакционная коллегия

Главный редактор

Кирилл Долгополов Северо-Кавказский Федеральный университет

Долгополов Кирилл Андреевич, кандидат юридических наук, доцент, заведующий кафедрой уголовного права и процесса Северо-Кавказский федеральный университет

Узденов Расул Магомедович, кандидат юридических наук, доцент, доцент кафедры уголовного права и процесса СКФУ

Пржиленский Игорь Владимирович, кандидат социологических наук, доцент кафедры уголовного права и процесса СКФУ

Токмаков Дмитрий Сергеевич старший преподаватель кафедры уголовного права и процесса СКФУ

Международная научно-практическая конференция Современные научные решения актуальных проблем. Сборник тезисов научно-практической конференции г. Ростов-на-Дону 2021 г.

DOI http://doi.org/10.37057/R_4

<https://orcid.org/0000-0001-6156-3630>

DOI [10.5281/zenodo.4899162](https://doi.org/10.5281/zenodo.4899162)

© Коллектив авторов

© virtualconferences.press

Содержание/Mundarija/Contents

Biological sciences

G'aniyev K.X., Nabiyev K.M. - “Hayotiy jarayonlarning kimyoviy asoslari” mavzusini o'qitishda murakkab masalalarning o'rni.....5

Culturology

Рузимуротова С. Ш. - Афғон рубоби. мумтоз оханглар уйғунлиги.....7

Хамзаева М.Ф. Дробченко Н.В. - Ландшафтная организация территории детских дошкольных учреждений.....11

Economic sciences

Қурбонов М.А. - Мақсадли фондлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш масалалари.....14

Раджабова Г. У. - Внедрения современных форм занятости в условиях цифровой экономики.....24

Тошимов Ш.Б., Ишназаров А.И. - Внедрение корпоративной информационной системы, управления проектами в деятельности компании.....30

Historical sciences

Абдурахманова Г. З. - Странствия дервиша.....33

Каюмова Р. Р. - Письма с фронтов второй мировой войны (1941-1945 гг.) как источник памяти человеческой!.....36

Нуралиева Х. - Блеск земли.....40

Хайдарова М. - История дипломатических отношений между династией тан и центральной азией.....42

Medical sciences

Ergashev V. A. - Characteristics of a new microbiological approach to the creation of experimental osteomelite models.....46

М. И. Абдуллаева Характеристика нейропсихических изменений у детей с идиопатической эпилепсией.....49

Наимова Ш. А., Алиахунова М. Ю. - Поражение почек у пациентов с анкилозирующим спондилитом.....51

Abduraimov Z.A., Khaydarova D., Narzullaev - Factors influencing the choice of the method of abdominal wall plastic surgery in patients with ventral hernias.....53

Abduraimov Z.A., Isroiljonov B., Rustamov Kh. - Results of surgical treatment of patients with nodular goiter.....55

Khidirov Z.E., Mirzayeva N., Makhmudova A. - Risk factors for occupational diseases of the vocal apparatus among teachers of SAMMI.....57

Khidirov Z.E., Khazratkulov N.Q., Sattorkhulova G.Sh. - Diagnosis and surgical correction of mirizzi syndrome.....59

Kholxujaeva Ugiloy, Dusmurodova Madina, Saydaliyeva Sevara - Advanced method of non-tensioned hernioalloplasty for inguinal hernias.....61

Mustafoev Z.M., Gaybullaev K., Akramov U. - Surgical approach to the treatment of patients with post-traumatic cicatricial strictures of the great bile ducts.....63

Mustafoev Z.M., Bebetova Sh., Khusanova A - Optimization of preoperative preparation and conservative treatment of children with adhesive intestinal obstruction.....65

Usanov S.S., Jurakulova D., Abdukhabibova R - Minimally invasive interventions in the treatment of varicose veins of the lower extremities.....67

Ахмедова Н. Ш., Файзиева К. М. - Применение варфарина при ишемической болезни сердца.....69

Pedagogical sciences

Ashqulova N. T. - Boshlang'ich sinfo`qituvchilari va o`quvchilarida matematik yangiliklarga bo`lgan munosabat.....72

Valiyeva N. A. - O`zbekiston boshlang'ich ta'limida integratsiya va uning o`ziga xos hususiyatlari.....74

Бозорова З – Maktabgacha yoshdagi bolalarga psixologik yondashuv aspektlari.....77

Philological sciences

Асланова Х. А. - Гадоий ғазалларининг қофияланиш тизими.....80

Ҳазраткулиён Д. Муҳибуллоев Н. - Чанд сухан доир ба вижагиҳои шеъри гулрухсор.....	82
Tukhtaev A.I. - Features of phraseological units of sports phraseology in English.....	85
Ходжаева Н. Т. - Изучение гендера в современной лингвистике.....	88
Отарова Т. Ж. – Э. Эжиниязов поэзиясында метафоралардың қолланылығыз өзгешелиги	90
Jumayeva M. - The comparison between past and present tenses in German and English.....	97
Қурбанов М.Д. - Ойқонимияда ном кўчиш ходисаси (Қорақалпоғистон ойқонимлари мисолида).....	101
Муҳаммадиев О.Х. - Қорбурди қалимаҳои туркию ўзбекқдар“Таърихи Чаҳонқушо” и Атомалиқи Чуқвайни.....	104
Ҳамидова М. Х. Художественное использование деопозитивов в французской и узбекской поэзии.....	108
Қахқарова Г. Ш. Омонимия частиц в английском языке.....	111
Вауматова М.А. Некоторые особенности адаптации английских заимствований в корейском языке.....	114
Psychological sciences	
Ernazarova Sh. N., Bobonazarov S. Q., Sayfiyeva U. I. - O’smirlarda agressiv хatti-harakatlar shakllanishiga ijtimoiy muhitning ta’siri.....	117
Сафарова Д. Ш. - Психология учебной деятельности.....	119
Тайджанова М. М. - Эмоционал бузилишларнинг вужудга қелишида ота-она ва фарзанд муносабатларнинг роли.....	121
State and law	
Тулаганова Г. З. - Ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг ҳуқуқлари.....	124
Нодиров М. А. - Вояга етмаганларга доир жиноят ишларида педагог ва психолог иштирокининг айрим масалалари.....	132
Уқтамжоновна М. И., Ш.А.Хужаев - Зарубежный опыт защиты смежных прав в телекоммуникациях.....	136
Technology	
Shobilolova R. Sh. - Apply a comparative approach in real estate valuation and ways to optimize.....	140
Салахидинов М.С. Асарларни бадиий таҳлил қилиш – бадиий таълимнинг асосий қисмидир	143
Other sciences	
Худаёрв Ф. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятнинг такроран содир этганлик учун жавобгарлик	146
Таспанова Ж. Ажиниёз Қосибой ўғли ижодида тасаввуф таълимотининг ўрни	151
Sobirjonova N. Educational work of primary education	154
Султанова Х. Турсунходжаева Л. Абдуғаффарова Ф. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишлари	156
Kholiqov A. A. Diagnostics and new treatment methods.....	160
Rahimov A.A. Xurramov A.X Proektorsiz algebralar haqida.....	162
Во`таев Ш. К. XX аср о`рта осийода қог`оз таййорлаш техналогийаси ва бугунги кунда yaratilgan қог`ozlarga asar nusxasini tasvirlash jarayonlari	164
Ҳамидов Н. О. Трансмиллий иқтисодий жиноятлар: валюта билан боғлиқ хусусиятларнинг таҳлили.....	170
Думаев Ф Амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатлари.....	173
Меликова С. К. Аҳмедова П. А. Устное народное творчество. Фольклор	181
Усмонова Барноҳон Равшановна Изучение полисемантических фитонимов русского и узбекского языков в лингвокультурологическом аспекте.....	184
Усмонова Барноҳон Равшановна Мотивационные особенности английских, русских и узбекских фитонимов как лингвистическое представление мира.....	188

Biological sciences

“HAYOTIY JARAYONLARNING KIMYOVIY ASOSLARI” MAVZUVSINI O’QITISHDA MURAKKAB MASALALARNING O’RNI.

K.X.G’aniyev-FarDU, biologiya kafedrası dotsenti,
K.M.Nabiyev- FarDU, biologiya kafedrası magistranti.

Annotatsiya. Maqola ayni kunlarda dolizarb muammo bo’lib kelayotgan biologiyani o’qitish tizimi bilan bevosita bog’liq hisoblanadi. Maskur maqolada hayotiy jarayonlarning kimyoviy asoslari mavzusiga doir manbalar va ushbu mavzuga doir masalalarning yechish usullariga alohida to’htalib ketilgan.

Kalit so’zlar: Dissimilyatsiya, assimilyatsiya, oraliq bosqichi, ATF, sut kislotasi, glikoliz, achish, bijg’ish, cherish.

Biologiya fanidan keyingi yillarda oliy o’quv yurtiga kirish imtihonlarida genetika bilan birgalikda biologiyaning boshqa sohalariga oid bir qancha masalalar berib borilmoqda. Oliy o’quv yurtiga kirish imtihonlariga tayyorlanuvchi abituriyentlarning aksariyatida genetika va biologiyaning turli sohalariga oid masalalarni yechish biroz «og’riqli» nuqta hisoblanadi. Bundan tashqari, biologiya fanidan Xalqaro olimpiadaga saralash bosqichida ham deyarli barcha savollar masala va mashqlarga bog’iqligini ko’rib turibmiz.

Misol uchun “**Hayotiy jarayonlarning kimyoviy asoslari**” bo’limida foydalaniladigan masala va mashqlar hujayra tarkibi, organik moddalar: uglevod, oqsil, lipid va nuklein kislotalarning o’ziga xos xususiyatlari, hujayrada boradigan moddalar va energetik almashinuvga bag’ishlangan bo’ladi.

Tirik organizmlardagi metabolizm jarayoni bir-biriga qarama-qarshi bo’lgan **assimilyatsiya** va **dissimilyatsiya** reaksiyalaridan iborat. Ushbu reaksiyalarning deyarli barchasi hujayra ichida sodir bo’lganligi uchun ularni moddalar almashinuvining **oraliq bosqichi** deb atash mumkin.

Assimilyatsiya (hosil qilish jarayonlari, ya’ni fotosintez, oqsil biosintezi, uglevod, yog’ va nuklein kislotalarning sintezlanishi) jarayonida energiya sarflanadi va shu sababli ATF parchalanadi. Dissimilyatsiya (parchalanish jarayonlari, ya’ni glikoliz, achish, bijg’ish, chirish, nafas olish va b.) jarayonida esa, assimilyatsiyadan farqli ravishda energiya ajralib chiqadi va ajralib chiqqan energiyaning ma’lum miqdori sitoplazma, mitoxondriya yoki xloroplastlardan birida ATF tarkibida to’planadi.

Dissimilyatsiya jarayoni. Oziq moddalarda to’plangan kimyoviy energiya organik birikmalar molekulasidagi atomlarni bog’lovchi har xil kovalent bog’larda mujassamlashgan bo’ladi. Maktab darsliklarida ushbu jarayonni tushuntirishda uglevodlardan foydalanilganligi bois bu yerda ham uglevodlarning parchalanishi misolida dissimilyatsiya jarayonini ko’rib chiqamiz. Umumiy holda bir molekula glyukoza quyidagicha parchalanadi: $C_6H_{12}O_6 + 6O_2 = 6CO_2 + 6H_2O + 2800\text{ kJ}$

Reaksiyadan ko’rinib turibdiki, jarayonda 2800 kJ energiya ajralmoqda, lekin ushbu energiya umumiy holda olingan bo’lib, u dissimilyatsiyaning turli bosqichlarida ajralgan energiyaning yig’indisi hisoblanadi.

Endi bevosita mavzuga oid bir nechta murakkab masalaning ishlanishi bilan tanishib chiqamiz.

2-masala. Dissimilyatsiya jarayonida glyukoza to'liqsiz va to'liq parchalanishi natijasida 10 molekula sut kislotasi va 30 molekula CO₂ hosil bo'ldi. Ushbu jarayonlarda ajralib chiqqan energiya miqdorini (kfl aniqlang).

Yechilishi. Masaladan ko'rinib turibdiki, glyukoza molekulalarining qanchadir qismi chala, yana bir qanchasi to'liq parchalangan. Ulardan hosil bo'lgan energiyani alohida hisoblab, o'zaro qo'shib natijani hosil qilamiz:

1-ish. Sut kislotasi faqat to'liqsiz parchalanish - ikkinchi bosqichda hosil bo'ladi va bunda har bir glyukoza molekulasi 2 molekula sut kislotasiga parchalanib 200 kJ energiya hosil qiladi:

1 mol glyukoza - 2 mol sut kislotasi - **200 kJ** energiya

x mol glyukoza - 10 mol sut kislotasi - **x kJ** energiya

10 mol sut kislotasi * 200 kJ energiya

x = ----- = 1000 kJ energiya

2 mol sut kislotasi

2-ish. CO₂ faqatgina to'liq parchalanish - uchinchi bosqichda hosil bo'ladi va bunda ikkinchi bosqichda hosil bo'lgan ikki molekula sut kislotasi kislorod yordamida oksidlanib 6 molekula CO₂ hosil qiladi va 2600 kJ, ikkinchi bosqichda hosil bo'lgan energiyani qo'shib hisoblaganda 2800 kJ energiya ajralib chiqadi:

1 mol glyukoza - 6 mol CO₂ - **2800 kJ** energiya.

x mol glyukoza - 30 mol CO₂ - **x kJ** energiya

10 mol CO₂ * 2800 kJ energiya

x = ----- = 14000 kJ energiya

6 mol CO₂

3-ish. Ikkala bosqichda hosil bo'lgan energiyalarni o'zaro qo'shib bizdan so'ralayotgan natijani hosil qilamiz: 1000 kJ + 14000 kJ = **15000 kJ** (to'g'ri javob).

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni. 1997.

2. Niyozov Q. Biologiya fanidan ilg'or pedagogik texnologiyalar va ularni amalda qo'llash. Ma'ruza matni. Namangan: 2009. - 37 bet.

3. A.T.G'ofurov, S.S.Fayzullaev, U.E.Raxmatov "Genetikadan masala va mashqlar yechish" Toshkent – TDPU 2015 y.

АФҒОН РУБОБИ. МУМТОЗ ОҲАНГЛАР УЙҒУНЛИГИ.

Рузимуротова Сафура Шамуратовна

safuraruzimuratova@mail.ru

Самарқанд давлат музей – кўриқхонаси Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи санъат ва этнография бўлими мудири Ўзбекистон Самарқанд.

Мавлонова Дилдора Азамовна

Самарқанд давлат музей – кўриқхонаси Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи санъат ва этнография бўлими илмий ходими Ўзбекистон Самарқанд.

Аннотация: Ушбу мақолада халқ мумтоз мусиқа асбобларидан бири бўлган афғон рубоби, унинг тарихи тўғрисида маълумотлар берилган. Афғон рубобини тузилиши ва илмий тавсифи мақолада тўлиқ акс эттирилган. Шу билан бирга Самарқанд давлат музей – кўриқхонаси моддий ёдгорликлар фондининг мусиқа асбоблари жамланмасида сақланаётган афғон рубоби намуналари, ташкил этиладиган кўргазмалардаги намоиши ва уларнинг тавсифлари ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Афғон рубоби, хаспарда, мумтоз, оҳанг, ёрдамчи тор.

Аннотация: В этой статье даны сведения об одном из народных классических музыкальных инструментов – афганском рубабе, а также рассказывается о его истории. В статье описывается строение афганского рубаба и даётся его подробное научное описание. Наряду с этим в статье рассказывается о хранящихся в фонде вещественных реликвий Самаркандского государственного музея-заповедника образцах афганского рубаба, о их демонстрации на проводимых выставках и приводится их описание.

Ключевые слова: Афганский рубаб, хаспарда, классический, тон, вспомогательная струна.

Халқ чолғу асбобларининг пайдо бўлиши узок ўтмишга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, дастлабки мусиқа асбоблари эрамиздан олдинги XIII минг йилликларда дунёга келганлиги тахмин қилинади. Шарқ халқлари маданиятида ўзбек чолғу асбоблари шаклланади. Маълумки, шарқ халқлари азал-азалдан бир-бирлари билан сиёсий, ижтимоий, савдо-сотик ва маданий алоқада бўлиб келган. Ҳар бир халқнинг гўзал, мукамал ва арзигулик анъанаси, одатлари ҳамда ўз миллий маросимлари бўлганки, бу бошқа халқлар анъанасига ўз таъсирини кўрсатган. Айниқса, шарқ халқлари мумтоз мусиқаси қадимдан бир- бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Хусусан, шарқ мумтоз мусиқаси ҳамда мусиқа асбобларида жуда кўп умумийликни кўришимиз мумкин.

Бугунги кунга қадар топилган ашёвий, ёзма ва оғзаки манбаларнинг далолат беришича қадимий Хоразм, Бактрия ва Суғд давлатларида ниҳоятда кўп ва ранг баранг ўзига хос маҳаллий мусиқа санъати ривожланган. Айритом, Тупроққаъла, Афросиёб каби кўхна шаҳарларда яратилган санъат обидалари, аждодларимиз турмушида мусиқа кенг ўрин тутган ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Мусиқа асбоблари тўғрисида гапирар эканмиз уларда ҳам мусиқа, ҳам амалий санъат намуналарини кузатишимиз мумкин. Чунки, мусиқа асбоблари нафақат турли оҳанглар таратиши балки, ўзига хос турли кўринишда безатилиши билан ҳам аҳамият касб этади. Масалан, рубоб созини ана шундай мусиқа асбоблари сирасига киритишимиз мумкин. Нисбатан қадимийроқ ҳисобланган ва нолали оҳанг таратадиган афғон рубоби тўғрисида кўплаб манбаларда маълумотлар келтирилган.

Афғон рубоби-жуда қадимий, узоқ тарихга эга бўлиб, халқ чолғу асбоблари орасида ўзига хос ташқи тузилиши ва нолали оҳангга эга. Бу мусиқа асбоби, жуда бой тембри билан ажралиб туриши туфайли ўзбек халқ чолғу асбоблари оиласида муҳим ўрин тутди.

Дарвеш Али (XVII - аср) “Мусиқа ҳақида рисола” асарида мусиқа асбобларининг тузилишини баён қилар экан “Рубоб торли мусиқа асбоби. Ўрта Осиёда султон Муҳаммад Хоразмшоҳ(1200-1220)даврида тарқалди. Шу даврда Хоразмшоҳ саройида тенги йўқ рубоб чалувчи уста Маҳмуд яшар эди. Рубобда бешта тор бор бўлиб, улардан тўрттаси ипақдан ва биттаси кумушдан эди”, деб ёзган.

Рубобнинг қадимийлиги ҳақидаги маълумотлар рус тадқиқотчиси Н.Н.Миронов асарларида ҳам мавжуд. У шундай деб ёзади: “Рубоб – жуда қадимий соз бўлиб, Афғонистонда, Ҳиндистонда ҳамда Қашқарда учрайди. Қашқарда рабоб деб аталади”. Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси тарихи” асарида ушбу чолғу асбобини Хоразм амири – Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида Балх шаҳрида номаълум шахс томонидан ясалганлиги ҳақида ривоятни келтиради.

Дарҳақиқат, афғон рубоби нафақат Республикамизда, балки қўшни Тожикистон, Афғонистонда ҳам учрайди. Ўзбекистоннинг айниқса, Бухоро ва Самарқандда бу мусиқа асбоби кенг тарқалган. Афғон рубобининг афзаллик жиҳати шундаки, унда ижро этиладиган мусиқа оҳанги ўзига хос янграйди, жозоба касб этади. Бу чолғу асбобида халқ куйлари билан бир қаторда, барча қардош композитор куйларини ҳам моҳирона ижро этиш мумкин. Ўзбекистонга ҳам бу чолғу асбобини бухоролик созандалар олиб келишган, деган гап бор. Шу боисдан афғон рубобини Бухоро рубоби деб айтишади.

Афғон рубобининг корпуси понасимон шаклда катта ва чуқур бўлиб, ён томонларида ўйиқлари бор, дастаси калта(8-10 см) бўлиб, учи бир оз орқага қайрилган. Корпуси билан дастаси яхлит ёғочдан (кўпинча тутдан) ўйиб ясалади. Дастаси пардаларга бўлинади, унинг пастки қисми кенгая бориб, қопқоққа уланиб кетади ва корпуснинг устини ўйиқларига қадар ёпади. Корпуснинг қалин қисми (ўйиқлардан кейинги қисми)га тери қопланади.

Рубобнинг умумий узунлиги 70 – 80 см бўлади. Унинг дастасига одатда 4-5 та асосий парда, тахта қопламасига эса 6-7 қўшимча хаспарда ўрнатилади. Афғон рубоби квартага созланиб, оҳангдор товуш ҳосил қилувчи 5 та асосий тор ва ён қулоқларга тортилиб секундага созланадиган акс саъдо берувчи 10-11 та ёрдамчи тор бўлиб, асосий торлар ичакдан, ёрдамчилари эса металл(пўлат)дан тайёрланган. Уларда бир октавадан ортиқроқ диапазондаги диатоник товуш қатор ҳосил қилади.

Афғон рубоби, бошқа кўпгина ўзбек халқ чолғу асбоблари сингари, 1930 –1940 йилларда Санъатшунослик институтининг экспериментал лабораториясида(бу лабораторияга профессор А.И.Петросян бошчилик қилган.



Лаборатория ҳозирда Ўзбекистон Давлат консерваториясига қарашли) таъмирланади. Унинг такомиллаштирилган тури бошқачарок: унда ёрдамчи торлар йўқ, корпуси ихчамлаштирилган, дастаси узун, температураланган тўла хроматик товуш қаторга айланган. Асбобнинг такомиллаштирилиши натижасида техник имкониятлари яхшиланди. Унинг диапазони кенгайтирилди, 4 та боғланган парда ва 6-7 хаспарда ўрнига мустаҳкамланган 19 та парда ўрнатилди.

Самарқанд давлат музей кўрикхонасида кўплаб моддий маданий бойликлар ва осори атиқалар сақланади. Мана шундай музей ашёлари жамланмасидаги алоҳида ўринга эга

бўлган миллий мусиқа асбоблари орасида XIX аср охири, XX-аср бошларига тааллуқли бўлган афғон рубоби (КП-2789, КП-2675, КП-6306) намуналари ҳамсақланади.

(1- расм) КП-2789

Жамланмада КП-2789 рақами остида (1-расм) сақланаётган афғон рубоби, нисбатан қадимийроқлиги билан ажралиб туради. **(1-расм) КП-2789**

Музей фондига 1922 йилда қабул қилинган ушбу мусиқа асбоби, торли халқ чолғу асбоблари сирасига киради. Рубобнинг шакли ханжарсимон шаклда бўлиб, бошининг икки томонида чуқур ўйиқлари бор. Бўйнининг пастки қисми тананинг юқори қисми билан бирлашиб кетган. Рубоб



шарқона миллий мумтоз мавзудаги нақшлар билан безатилган. Наққошликнинг ушбу бетакрор намунасида дарахт шохларида ўтирган қушлар тасвири акс

этирилган. Бундан ташқари, рубобда марварид доналари билан қадама (инкрустация) услубида ажойиб безаклар берилган.

Жамланмада КП-2675 рақами остида сақланаётган яна бир афғон рубоби бор. Рубоб (2-расм) 1929 йилда Москвада

ташқил қилинган енгил саноат маҳсулотлари кўрғазмасидан Самарқанд

(2-расм) КП-2675

музейга қабул қилинган. Ушбу мусиқа асбобига ёғоч ўймакорлик санъатининг бетакрор намуналари ўйиб ишланганлиги билан ажралиб туради. Афғон рубобининг ўзига хослиги шуки, ушбу мусиқа асбоби Афғон шаҳзодаси Сардор Исҳоқхонга тегишли эканлигиди.

Музейга ташриф буюрганларнинг кўпчилиги миллий мусиқа асбобларимиз, жумладан афғон рубобига қизиқиш ва ҳайрат билан қарайдилар. Чунки ушбу мусиқа асбоби бошқа мусиқа асбобларидан ўзига хос кўриниши, безакларининг жудаям нафислиги билан ажралиб туради. Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.

Ушбу тадбир муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида кўрғазма ташқил этиш анъанага айланган. Ушбу кўрғазмада музей фондида сақланаётган миллий мусиқа асбоблари, шу жумладан афғон рубобининг ноёб намуналари ҳам намойиш этилади. Кўрғазмада намойиш этиладиган қадимий мусиқий асбоблар маҳаллий ва хорижий сайёҳларда катта таассурот қолдиради.

Эндиликда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги мусиқага ихтисослашган лицей ва санъат коллежларида, Ўзбекистон Давлат консерваториясида афғон рубоби бўйича сабоқ, маҳорат дарслари ўргатилмоқда.

Хуллас, афғон рубоби моҳир созандалар кўлида жозибали оҳанги билан халқимизга манзур бўлган куй ва кўшиқларга жўр бўлиб ёки яқка соз бўлиб, элимизга маънавий озуқа бериб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.А.Аведова “Искусство оформления узбекских музыкальных инструментов” Тошкент. 1961 г.
2. Ф.Караметов, Н.Нурджонов. “Музыкальное искусство памира”. Москва. 1978 г.
3. Ғ.Эргашев. “Афғон рубоби дарслиги”. Тошкент.2004 й.
4. С.Тахалов. “Афғон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари”. Тошкент. 2001й.
5. Самарқанд давлат музей – кўрикхонаси 9-10-24-сонли крим китоблари.

ЛАНДШАФТНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ТЕРРИТОРИИ ДЕТСКИХ ДОШКОЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Хамзаева М.Ф.

магистр Самаркандского Государственного Университета

Руководитель: кандидат архитектуры **Дробченко Н.В.**

Самарканд, Узбекистан

***Аннотация:** В данной статье рассматривается озеленения и благоустройство участка детских дошкольных учреждений, рекомендованы виды растений с учетом декоративных, гигиенических, санитарных норм.*

***Ключевые слова:** детские дошкольные учреждения, насаждения, функциональные зоны, рабатка, клумба, древесные посадки.*

Ландшафтный дизайн детского сада немаловажен для эстетического воспитания ребенка. Детский сад можно назвать вторым домом малыша, здесь он проводит большую часть своего времени. Поэтому все должно быть предусмотрено для максимального комфорта ребенка. Ландшафтный дизайн в детском саду должен быть разработан так, чтобы дети во дворе чувствовали себя уютно и безопасно. На территории детского сада обязательно должны присутствовать следующие элементы: площадки для игр и занятий спортом; зеленые посадки; детские беседки и павильоны; дорожки и аллеи. Наблюдая



эстетику детской

территории, ребенок впитывает красоту, познает чувство прекрасного, поэтому задача педагогов и родителей состоит в создании вокруг ребенка уюта и благоприятных условий для его развития. Для того чтобы вокруг детского сада был очищенный воздух и хороший микроклимат, на территории нужно сажать различные виды деревьев, кустарников, цветов. Выбирая растения для посадки, следует ориентироваться на их максимальную пользу и безопасность для детей. Зеленые насаждения должны предусматривать не только экологический, но и эстетический фактор. Деревья и кустарники сажают вдоль дорожек и по краям ограждений, небольшими группами. Вдоль заборов предпочтительнее сажать высокорослые деревья. Часто за забором располагается автодорога, деревья же будут поглощать выхлопные газы, тем самым очищать воздух на территории детского сада. Рекомендуются к посадке клен, ясень (Рис.1). Почти круглый год они держат листву и способны очищать воздух. Ближе к центральному входу можно посадить хвойные деревья. Они помимо оздоровительного свойства, выгодно смотрятся на фоне центрального входа.



Рисунок 1. Ель, клён, ясень

Не стоит забывать о главном элементе декора - цветочных клумбах, которые создают радужную обстановку. Их можно разбить вдоль дорожек (Рис.2).

Рисунок 2. Клумбы

Во всех детских садах присутствуют алебастровые, деревянные, резные фигуры сказочных героев. Если в саду есть пеньки, их также можно декорировать, например, посадить вокруг них цветы или сказочных персонажей, раскрасить цветными красками. Чтобы ребенок получил правильное экологическое воспитание, растительный мир должен быть разнообразным. Растения могут быть посажены как характерные для данной местности, так и экзотические. Под запретом могут быть следующие виды растений: создающие неблагоприятный микроклимат; колючие кустарники и с несъедобными ягодами; ядовитые сорные растения. Для разделения территории можно посадить тую, жимолость. Чтобы посаженные цветы могли радовать на протяжении долгого времени, нужно продумать их посадку и выбрать сорта (например, календула, бархатцы, ирисы, петунии). (Рис.2). Экзотического вида растения можно посадить в вазоны перед центральными воротами. Создавая



общий вид детской территории, можно придумать



некоторые креативные сооружения, например декоративный фонтанчик или водоем.

Рисунок 2. Петунии, бархатцы, календула, ирис

Продумывая ландшафтный дизайн детского сада, необходимо учитывать следующие меры безопасности: вместо бетонных

площадок засеивать территорию травой; продумывать объекты необходимо сообразуясь с разными возрастными группами, безопасностью подобного инвентаря и его удобством; место для спортивной площадки выбирается таким образом, чтобы оно находилось по возможности в тени, так как дети там будут заняты физическими упражнениями, и прямые солнечные лучи в это время нежелательны.

Использованная литература:

1. [www// dizainlandshafta.ru](http://www.dizainlandshafta.ru). Ландшафтный дизайн
2. ШНК 2.08.02-09. Общественные здания и сооружения.
3. Дробченко Н.В. Научные исследования в проектировании архитектурной среды.//Учебное пособие. 2020г.
4. Сычева А. В. Архитектурно-ландшафтная среда. Минск: Выш.шк., 2002.

Economic sciences

МАҚСАДЛИ ФОНДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мухиддин Абдуллаевич Қурбонов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиси катта ўқитувчиси

ISSUES OF ENSURING THE TRANSPARENCY OF SOVEREIGN WEALTH FUNDS

This article examines and analyzes the criteria for maximum transparency, which is the main criterion for evaluating the effectiveness of sovereign funds. Two globally recognized methods for assessing the maximum transparency of sovereign wealth funds have been analyzed. The Santiago Principles and the Linaburg-Madwell Transparency Index, approved by 26 member countries of the International Monetary Fund and based on generally accepted rules, have been studied and analyzed in detail. Foreign experience in ensuring maximum transparency of sovereign wealth funds has been studied. A number of problems in ensuring the maximum transparency of the Fund's activities, which are the main criteria for assessing the effectiveness of the Fund for Reconstruction and Development in our country, were analyzed and scientific and practical suggestions and recommendations were made to ensure maximum transparency of the Fund's activities.

Keywords: sovereign wealth fund, recovery and development fund, transparency index, investment, economic efficiency

Ушбу мақолада мақсадли фондлар фаолият самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланган максимал шаффофликни таъминлаш мезони ўрганилган ва таҳлил қилинган. Мақсадли фондлар максимал шаффофлигини баҳолашда жаҳонда тан олинган икки усули таҳлил қилинган. Халқаро Валюта фондида аъзо 26 та давлат томонидан тасдиқланган ва умумэътироф этилган қоидаларга асосланган Сантьяго принциплари ҳамда Линабург-Мадвелл транспарентлик индекси атрофлича ўрганилган ва таҳлил қилинган. Мақсадли фондлар максимал шаффофлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибасини ўрганилган. Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланган жамғарма фаолияти максимал шаффофлигини таъминлашда қатор муаммолар таҳлил қилинган ва жамғарма фаолиятинининг максимал шаффофлигини таъминлаш бўйича илмий амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган

Таянч сўз ва иборалар: мақсадли фонд, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, транспарентлик индекси, инвестициялар, иқтисодий самарадорлик

Кириш

Миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция лойиҳаларининг молиявий иқтисодий самарадорлигини баҳолашда давлат ва яқка тартибда ёндашувни таъминлаш, бюрократизм, расмиятчилик ва сансоларлик фактларига қатъиян чек қўйиш,

экспертиза натижалари учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча Қарор ва Фармонлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармонлари, 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли “Ўзбекистон Республика-сининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинган. Бундан ташқари комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамла-катимизда амалга оширилаётган ислохотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўсқинлик қилаётган қатор камчиликларни бартараф этиш бўйича Президент Ш.Мирзиёев ўзларининг ҳар бир нутқларида бу масалани алоҳида таъкидлаб ўтишлари асносида миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши учун инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти устувор эканлигини белгилайди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни, шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин эгаллайди. Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишдаги стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини самарадор-лигини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланган жамғарма фаолияти максимал шаф-фофлигини таъминлашда қатор муаммолар мавжудлиги жамғарма инвестицион жара-ёнларининг фаоллашувига, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, инвестици-ялардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатлар инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби, уни молиялаштириш механизм-ларини тубдан қайта кўриб чиқишни, амалга оширишга таклиф этилган лойиҳаларни танлаб олишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид остига олган ҳолда, қуйидагиларни таъкидладилар: “Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани, уларни амалга

оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарар кўрган. Шу боис банкрот корхоналарни банklar балансига бериш амалиётига чек қўйилди. Юзаки ўтказилган таҳлиллар оқибатида лойиҳалар фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ҳам ўзини оқламаган-хомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, икти-содий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бугунги кунда мамлакатимизда айрим маълумотларни расман чоп этиш бўйича чекловларни олиб ташлаш жуда долзарб масала ҳисобланади. Бунда мамлакатдаги бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар хусусан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Қуйидаги маълумотларда ҳам бюджетдан ташқари фондлар хусусан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг давлат консолидациялашган бюджет таркибидаги улуши сезиларли даражада ўзгарганлигини кўриш мумкин.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетнинг жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2022 йил	2023 йил
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	178 712,4	208 371,3	238 954,0
1.	Давлат бюджети даромадлари	147 202,3	173 550,2	200 708,6
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	26 173,9	28 251,7	30 544,5
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	5 336,2	6 569,4	7 700,8
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	216 246,6	231 338,9	258 096,0
1.	Давлат бюджети харажатлари	149 950,5	163 780,4	183 675,0
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	40 772,5	46 709,1	51 720,2
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	13 423,6	6 569,4	7 700,8
4.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	12 100,0	14 280,0	15 000,0
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	15 928,9	17 930,2	21 097,2
IV.	Консолидациялашган бюджет сальдоси(профицит +, дефицит -)	-37 534,2	-22 967,6	-19 142,1
V.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит-)	-17 346,8	-8 687,6	-4 142,1
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	7 767,7	10 316,8	12 478,2

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мақсадли фондлар фаолият самарадорлигини кўрсатувчи мезонлардан бири

фондлар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни жуда кўп иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишларида баён қилганлар. Булардан россиялик иқтисодчи К.Пупынин ўзининг илмий изланишларида, мақсадли фондлар фаолиятининг шаффофлик масаласини биринчи ўринга кўтариб, фонд фаолияти шаффофлигини таъминламаслик фонд ривожланишига тўсиқ бўлувчи муаммо сифатида эътироф этган.

Яна бир Россиялик иқтисодчи Е.Васин мақсадли фондлар фаолияти самара-дорлигини баҳолаш мезонларини 7 та гуруҳга ажратган ҳолда мақсадли

фондлар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни асосий мезон сифатида қайд этиб ўтган.

Халқаро Валюта Фонди томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан мақсадли фондлар фаолияти максимал шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб Сантьяго принциплари ишлаб чиқилган. Бунга кўра шаффофлик принциплари бу–иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ва бозор энди шаклланаётган мамлакатлар мақсадли фондлари бошқарувчиларининг фондлар фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган комплексли асослар яратиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари натижасидир дея таъриф берилган.

Суверен фондлари институти ходимлари-Карл Линабург ва Майкл Мадуэлл томонидан мақсадли фондлар фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш учун Линабург-Мадуэлл транспарентлик индекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мақсадли фондлар фаолият самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланган максимал шаффофликни таъминлаш мезонини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси фаолиятинининг максимал шаффофлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва иқтисодий статистик усулларида кенг фойдаланилди. Тадқиқот натижасида Тикланиш ватарақиёт жамғармаси фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш бўйича хулосалар қилиниб, жамғарма фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар

Мақсадли фондлар шаффофлигини таъминлашнинг зарурати бир томондан мақсадли фондлар маблағлари шаклланиши билан изоҳланса, иккинчи томондан

фонд маблағларидан самарали фойдаланиши билан белгиланади. Жаҳон амалиётидан кўришимиз мумкинки аксарият мамлакатларда мақсадли фондлар даромадлари стратегик маҳсулотлар экспортидан тушадиган маблағлар ва олтин валюта захиралари асосида шаклланган. Бу маблағлар манбаларида нафақат бугунги авлод балки келажак авлодларнинг ҳиссаси борлиги шаффоф бошқарувнинг зарурлигини кўрсатади.

Мақсадли фонд маблағларидан самарали фойдаланиш, маблағлар мақсадлилиги, манзиллилигини таъминлашда, фонд маблағларини талон-тароажликка йўл қўй-масликда фонд фаолияти шаффофлиги муҳим омил саналади. Дунё амалиётида мақсадли фондлар фаолияти самарадорлигини баҳолашда максимал шаффофликни таъминлаш мезони асосий мезонлардан ҳисобланиб, уни аниқлашнинг икки хил усули кенг тарқалган.

Биринчи усул мақсадли фондлар фаолияти транспарентлиги ёки ахборот шаффоф-лиги даражаси тушунарли кўрсаткичи сифатида, суверен фондлари институти ходимлари Карл Линабург ва Майкл Мадуэлл томонидан ишлаб чиқилган “Линабург-Мадуэлл” транспарентлик индекси ҳисобланади.

“Линабург-Мадзуэлл” транспар-ентлик индекси ўз ичига 10 та кўрсаткични олиб, ҳар бир бажарилган кўрсаткичга 1 балл қўшиш принципи асосида баҳоланади. Бу кўрсаткичларни қуйидагича кўришимиз мумкин.

- Фонд фаолияти тарихи, ташкил топиш сабаблари, молиявий маблағлари шакллантириш манбалари тавсифи, давлат мулки таркибини тақдим этиши

- Фонд йиллик ҳисоботларининг мустақил аудиторлик текширувларини амалга оширилиш натижаларини тақдим этиши

- Фонднинг Холдинг компаниялар мулкидаги улуши ва холдинг компанияларнинг географик жойлашуви тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши

- Фонд инвестицион портфелининг бозор қиймати, фонд даромадлиги, риси, шунингдек фонд бошқарув харажатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши

- Фонд инвестициялашнинг этика меъёрларига риоя қилиш мажбурияти билан инвестиция сиёсатини амалга ошириш даражаси

- Фонд фаолияти аниқ мақсадлар ва стратегиялар бўйича иш олиб бориши

- Фонднинг шўъба корхона ташкилотлари ва уларнинг боғланиш маълумотларини тақдим этиши (агар мавжуд бўлса)

- Фонднинг маблағларини бошқарувчи ташқи менежерларнинг мавжудлиги (агар мавжуд бўлса)


- Фонднинг ўз веб сайтыга эгалиги

- Фонд бош офисининг манзилини ва боғланиш маълумотларини тақдим этиши.

Масалан мақсадли фонд фаолияти бўйича мурожаатлар учун факс ва телефон рақамлари.

Мақсадли фондлар фаолияти транспарентлиги кўрсаткичлари

Транспарентлик индекси бўйича юқори кўрсаткичга яъни 10 балга эга мақсадли фондлар Норвегия, Янги Зеландия, Чили, Сингапур ва бошқа давлатларга тўғри келади. Мақсадли фондларга эга мамлакатларнинг транспарентлик индекси бўйича кўрсаткичларини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин бўлади (1-расм).



1-расм. Мақсадли фондларга эга баъзи мамлакатларнинг Линабург Мадзуэлл транспарентлик индекси бўйича кўрсаткичлари

Юқоридаги расмни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади.

Биринчидан, Даромадлар шаклланиш манбалари ресурс реализациясига боғлиқ бўлмаган мақсадли фондлар даромад манбалари асосан табиий ресурслар экспортидан шаклланган фондларга нисбатан очик, аксинча ресурс реализациясига боғлиқ бўлган фондлар боғлиқ бўлмаган фондларга нисбатан ёпиқ яъни ошкоралиги паст даражада эканлиги билан изоҳланса.

Иккинчидан, мақсадли фондларнинг шаффофлиги географик жиҳатларга эга. Одатда, Европа, Америка, Австралия мақсадли фондлари нисбатан очик. Буларга Озарбайжон нефт фондини, Норвегия глобал пенсия фондини, Австралиянинг келажак фонди ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Яқин шарқ мамлакатлари, Осиё ва Африка мамлакатларидаги мақсадли фондлар нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бунга Венесуела макроиқтисодий барқарорлик фонди, Брунейнинг инвестиция агентлигини, Уммон давлат резерв фонди ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Жаҳонда бугунги кунда 30 га яқин мақсадли фондларда маълумотлар эълон

қилинмаганлиги сабабли транспарентлик индекси умуман аниқланмаган. Шу жумладан Марказий Осиёдан Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларидаги мақсадли фондлар фаолияти бўйича ҳам транспарентлик индекси аниқланмаган.

Мақсадли фонд молиявий маблағлари ҳом ашё экспортига боғлиқ бўлган мамлакатлар мақсадли фондлари фаолият шаффофлиги индексига қарайдиган бўлсак, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Қатар, Эрон, Қувайт ва Россияда бу кўрсаткич 5 баллга тенглигини кўришимиз мумкин.

Мақсадли фондлар шаффофлигини аниқлашнинг иккинчи усули Халқаро Валюта фондига аъзо 26 та давлат томонидан тасдиқланган ва умумэтироф этилган қоидаларга асосланган Сантьяго принциплари ҳисобланади.

Шаффофлик принциплари бу-иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ва бозор энди шаклланаётган мамлакатлар мақсадли фондлари бошқарувчиларининг фондлар фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган комплексли асослар яратиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари натижасидир. Сантьяго принциплари мақсадли фондларнинг мақсадлари ва инвестицион фаолиятни тегишлича акс эттирадиган умумэтироф этилган қоидалар ва амалиётни ифодалайди.

Бу принциплар қуйидаги фундаментал позицияларга асосланади:

- рискларни бошқариш ва ҳисобдорлик, тегишлича операцион назоратни кўзда тутадиган фондни бошқаришни ташкилий шаффоф ва мустаҳкам структурасини қўллаб-қувватлаш;

- мақсадли фондларнинг инвестициялари амалга ошириладиган мамлакатларда очиб бериладиган ахборотни акс эттириш бўйича барча ҳуқуқий меъёрларга риоя қилинишини таъминлаш;

- мақсадли фондлар фақат иқтисодий ва молиявий рискни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, даромадлилик нуқтаи назаридан инвестиция киритишининг

кафолат-ланиши;

- глобал молия тизими барқарорлиги ҳамда инвестициялар ва капитал эркин оқимини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш.

Сантьяго принциплари 24 та принципни ўз ичига олади. Бу 24 та принципни шартли учта катта гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- Фондларнинг ҳуқуқий асослари, мақсадлари ва молиявий маблағларининг мамлакат макроиктисодий сиёсатларига мувофиқлиги;

- Фондларнинг институционал асослари ва бошқарув тузилишига тегишли принциплар;

- Инвестиция ва рискларни бошқариш тизимига тегишли принциплар.

Мақсадли фондларга эга бўлган кўпгина давлатлар Сантьяго принципларининг 50 фоизини ҳам бажара олмайдилар. Бундай мақсадли фондлар яқин шарқ мамлакатлари, Осиё мамлакатлари, Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Шу қаторида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг максимал шаффофлиги таъминланмаган мақсадли фондлар сирасига киради.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг шаффофликни таъминланмаганлиги куйидаги салбий жиҳатларга эга:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг консолидациялашган бюджет тарки-бининг бир қисми эканлиги, уларнинг фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобдорлиги мавжуд бўлишидан келиб чиқиб жамғарма маблағлари ҳам бюджет маблағларига тенг маблағлар ҳисобланади. Бюджетда келтирилган Очқлик принципи талаблари жамғарма фаолияти учун ҳам бирдек таалуқли ҳисобланиб, ташкил топганига 15 йил бўлишига қарамай бу принцип бажарилмаган;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясида Давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, Президентимиз Ш.Мирзиёев тамонидан ҳар бир соҳада

очқлик ва шаффофлик принципига амал қилиш устувор вазифа этиб белгиланганлигига қарамай бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг сустлиги;

Учинчидан, давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очқлик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада жамғарма ҳисобидан молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек турли хил суиистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқаришга имкон беради;

Тўртинчидан, жамғарма маблағларидан самарали фойдаланмаслик, инвестицион лойиҳаларнинг натижадорлиги инобатга олинмаслиги, маблағларни талон–тарожлик қилиш рискларининг мавжудлиги ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш нуқтаи назаридан жамғармалар фаолияти бўйича қуйидаги маълумотлар эълон қилинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- Жамғарма фаолияти тарихи, ташкил топиш сабаблари, молиявий маблағлари шакллантириш манбалари тавсифи, давлат мулки таркибини тақдим этиши;

- Жамғарма чорақлик ва йиллик ҳисоботларининг эълон қилиниши;

- Жамғарма йиллик ҳисоботлари мустақил аудиторлик текширувлари натижа-ларини тақдим этиши;

- Жамғарманинг корпоратив тузилмалар (хўжалик жамиятлари) устав капиталидаги иштироки ва улар самарадорлигини баҳоланиши;

- Жамғарма инвестицион портфели ва унинг бозор қиймати, жамғарма даромад-лилиги, rischi, диверсификация даражаси, шунингдек жамғарма бошқарув харажат-лари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши;

- Жамғарма инвестиция фаолияти кўлами ва географиясини тақдим этиши (фақат битта давлат бўйича, худудлар бўйича ёки хорижий давлатларга ҳам);

- Бошқа институтлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумотлар;

- Жамғарма инвестициялашнинг этика меъёрларига риоя қилиш мажбурияти билан инвестиция сиёсатини амалга ошириш даражаси;

- Жамғарманинг маблағларини бошқарувчи ташқи менежерларнинг мавжудлиги (агар мавжуд бўлса);

- Жамғармаларга максимал молиявий мустақиллик берилишини таъминлаш;

- Жамғарманинг веб сайти давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга мувофиқлиги.

Жамғарма фаолияти бўйича маълумотларни расман чоп этиш бўйича чекловларни олиб ташлаш ва фаолият очиклигини таъминлашда юқоридагиларга устуворлик берилиши юқорида келтирилган халқаро принципларга мувофиқликни таъминлайди.

Бу эса бир томондан Ўзбекистон Республикасининг мақсадли кредит рейтингини олишни таъминлаш ҳамда халқаро рейтинг агентликлари ва инвесторлар учун мамла-катимиз иқтисодий салоҳияти ҳамда инвестицион жозибadorлигини тўлақонли намоёиш этишга имкон берса, иккинчи томондан давлатга бўлган фуқаролар ишон-чини оширишда, ички ва ташқи инвесторларни ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон

2. 2019 йил январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча

чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республи-касини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-гиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармон

3. Пупынин К.Н. Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс....кан. экон.наук. - Москва, 2011. - 24 с.

4. Васин Е.А. Повышение эффективности управления суверенными фондами в Российской Федерации. Автореф. дисс. кан. экон.наук. Москва, 2015.- 28 с.

5. “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибни жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3437-сонли Президент қарори, 18 декабрь 2017 йил

6. Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. -2013. -23 марта.

Ота-оналарнинг қўшимча маблағ топиш натижасида бўш вақтларининг бўлмаслиги, ортиқча беқарорлик ҳолати, стресслар ва кўпгина бошқа салбий ҳолатлар уларда тажовузкорлик, жахлдорлик ва сурункали чарчаш синдромини пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Натижада кўпгина ота-оналар ўз хиссий ҳолатларини кўтараолмай ўз фарзандларига салбий эмоцияларини кўрсатадилар, бола эса бундай психологик, гоҳида эса жисмоний агрессияни кўтараолмайди. Бунинг натижасида бола ўз ота-онасининг кайфияти, эмоциялари ва жисмоний ҳолатларининг қурбонига айланади. Бундай вазият албатта боланинг эмоционал соҳасига ва психологик соғломлигига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Психологик ва педагогик тадқиқотларда, боланинг ўзига бўлган ишончи, ижтимоий компетенцияси, ижодий фаоллиги ва эмоционал фаровонлиги унинг атрофдагилар билан бўлган муносабати характериға боғлиқ эканлиги таъкидланган (Л.А.Абрамян, Л.И.Божович, А.Д.Кошелева, В.С.Мухина ва бошқалар). Олимларнинг фикриға кўра, бола жамиятнинг энг нозик хис

қилувчи бўлаги сифатида, турли хил салбий таъсирларга таъсирчан бўлади. Ижобий эмоциялар турли хил функционал системаларни яхши ишланиши таъминлайди, аммо узоқ муддатли шкастловчи ёки стрессли вазиятлар салбий эмоцияларни, шунингдек, барқарор салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Бу ҳолат эмоционал бузилиш ёки хиссий эмоционал зўриқиш дейилиб, у боланинг психик ривожланишини қийинлаштиради.

Сўнгги йилларда экспериментал тадқиқотлар болада эмоционал соҳасида бузилиш ҳолатларининг кўпайиб кетяганини кўрсатмоқда (А.И.Захаров, О.И.Бадулина, Ю.М.Миланич, И.В. Фаустова ва бошқалар). Эмоционал соҳа бузилиш турларига кўпгина олимлар турлича тавсифлаб, уларни хавотир, кўрқув, тажовузкорлик (агрессия), истерика, қайғу, хадиксираш, депрессия, эйфория, дисфория ва бошқа турларга ажратадилар (Г.М.Бреслав, Ю.М.Миланич, В.В.Ковалев, И.М. Чистякова, В.В.Бойко ва бошқалар). Эмоционал бузилишларни келтириб чиқарувчи асосий омил сифатида тадқиқотчилар оиладаги психологик иқлимни ва ота- она муносабатларини белгилашди. Шунингдек, айнан ота-она ва фарзанд муносабати хусусиятлари, оила аъзоларининг хиссий эмоционал муносабати, оиладаги психологик иқлим боланинг психологик ва руҳий ривожланишида асосий омил деб белгиланади.

Тадқиқот методлари. Катта мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига ота- она муносабатларининг таъсирини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларида экспериментал тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда 200 нафар катта мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота- оналари иштирок этдилар. Қуйидаги диагностик методикалар ўтказилди: Й.Шванцаранинг “Кузатув жадвали”, С.В.Велиеванинг “Паровозик” методикаси, “Оила расми” тести (В.Хьюлс, А.И.Захаров, Л.Корман ва бошқалар) ва “УДО” (“Уй.Дарахт.Одам”, Р.Бэнс, С.Кауфман, Б.Гуддинаф, С.Р.Рейнолдс, Г.Хоментаскас ва Р.Ф. Беляускайтеларни ишланмаси) методикалари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари. Кузатув натижалари (гуруҳдаги болаларнинг тарбиячиси билан муносабати ва эркин фаолиятдаги ҳолати) дан келиб чиқиб, биз экспериментал гуруҳдаги болаларнинг 61% да олдиндан эмоционал ноқулайлик ҳолатлари мавжуд бўлганлигини аниқладик. Бу натижалар боланинг юқори хавотирлилик даражасида ва шахслараро муносабатларида салбий эмоциялар ва хатти-ҳаракатлар (жахл, тазйиқ, агрессия ва кўрқув) орқали намоён бўлди.

С.В.Велиеванинг “Паровозик” методикаси натижалари тахлилига кўра, биз болаларнинг эмоционал ҳолатини намоён бўлиш хусусиятларини: самимийлик ва танглик хиссини аниқладик. Бунда эмоционал танглик ҳолати юқори даражаси 35%, ўрта даражаси 33% ва паст даражаси 32% ни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, эмоционал танглик ҳолатидаги катта мактабгача ёшдаги болаларга ўз-ўзини яхши кўриш, эгоцентризм, ўта хавотирлилик, кўрқув, шубхаланиш, ўзига нисбатан ўта талабчанлик хислари хос экан. Бундай болалар қайсар, “яккаланиб” колган, инжиқ, безовталанувчан, бесабр, заиф ва ўта ташвишланишга моил бўладилар. Шу билан бирга уларда эмоционал реакцияларнинг беқарорлиги ва кайфиятнинг тез, шунингдек, кетма-

кет ўзгариши кузатилди. Бир сўз билан айтганда, бундай болаларда салбий эмоционал кайфият устунлик қилади. Уларда боғча гуруҳида эгаллаган мавқеи ва ўрнидан қоникмаслик хисси, агрессив хулқ- атвор, хавотир ва кўрқув хислари кузатилди.

“Оила расми” тести ва “УДО” проектив методикалари тахлили натижасида, эмоционал бузилиш ҳолати мавжуд болалар гуруҳида ота-она муносабатларида салбий жиҳатлар: ота-она томонидан боланинг рад этилиши, бола билан ота-она ўртасида эмоционал масофа мавжудлиги, ўзаро хамкорликнинг йўқлиги ва болага нисбатан ўта талабчанлик мавжудлиги аниқланилди. Шунингдек, расмларда болаларнинг оилада эмоционал тан олинмаганлиги, танглик хисси, ўзини ортиқча ва керак эмасдек хис қилиши кўринди.

Хулоса. Катта мактабгача ёшдаги болаларнинг учдан бир қисми эмоционал соҳасида бузилишларга эга бўлиб, бу атрофдагилар билан бўлган муносабатда нотурғун ва ноадекват реакцияларда ва салбий эмоциялар кўринишида намоён бўлади. Олинган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг салбий муносабати мактабгача ёшдаги болаларда эмоционал бузилишларнинг келиб чиқишига ва ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Гром Н.А. Особенности развития эмоциональной сферы детей старшего дошкольного возраста//Концепт.–М., 2016. – Т.10. –С.86-90.

2. Фельдштейн Д.И. Приоритетные направления психолого-педагогических исследований в условиях значимых изменений ребенка и ситуации его развития//Бюллетень Высшей аттестационной комиссии Министерства образования и науки Российской Федерации.-2010.-№4.-С.20-32.

3. Миланич Ю. М. Психологическая коррекция эмоциональных нарушений у детей дошкольного возраста. Дисс ... канд. псих.наук.СПб. - 1998. - 161 с.

State and law

УШЛАБ ТУРИЛГАНЛАР ВА МАҲБУСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Тулаганова Гулчехра Захитовна,

Тошкент давлат юридик университети

Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура кафедраси профессори,

юридик фанлар доктори

E-mail: g.tulaganova@tsul.uz

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг ҳуқуқлари шунингдек, жиноят-процесси ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари нормалари, шунингдек фуқароларни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва судланувчиларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қоидалар, ҳибсга олинганларнинг қамоқ жойлари ҳамда ушлаб турилганлар ва гумон қилинувчиларнинг ҳибсда ушлаб туриш уларга жиноий иш юритиш, ҳибсга олинганларнинг қариндошларига хабар бериш тартиби, ушлаб турилганлар ва маҳбуслар ҳужжатларни яъни жиноят иши билан боғлиқ ҳужжатлар ва ёзувларни сақлаш ҳуқуқи, Ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг қамоқдаги мажбуриятлари ва бошқа масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, жиноий тажовуз, иқтисодий, давлат, дахлсизлик, ҳуқуқбузарлик, маҳбуслар, маҳкум, халқаро ҳужжатлар, қамоқда сақланиши, ҳибсга олиниши, адвокат, эксперт хулосаси, сақлаш жойлари, тергов муассасаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ўташ жойлари, фуқаролик битимлар, олиб қўйиш, тинтув, олиб қўйиш, пулни юбориш, ушлаб туриш.

Тулаганова Гулчехра Захитовна,

Профессор кафедры Суд, правоохранительные

органы и адвокатура Ташкентского государственного

юридического университета,

доктор юридических наук

E-mail: g.tulaganova@tsul.uz

Тел: (99) 886-27-27

ПРАВА ЗАДЕРЖАННЫХ И ЗАКЛЮЧЕННЫХ

АННОТАЦИЯ:

В этой статье рассматриваются права задержанных и заключенных, а также нормы уголовно-процессуального и уголовно-исполнительного законодательства, касательно прав задержанных и заключенных, кроме того правила содержания под стражей, правового статуса подозреваемых, обвиняемых и подсудимых, мест содержания задержанных и подозреваемых, уголовное производство, процедура уведомления родственников задержанных, права задержанных и заключенных на ознакомление с документами и записями, касательно уголовного дела в отношении виновного, а также, другие вопросы.

Ключевые слова: права человека, преступная агрессия, экономическая, государственная, неприкосновенность, правонарушение, заключенный, осужденный, международные документы, задержание, адвокат, экспертное заключение, места содержания под стражей, следственный изолятор, пенитенциарное учреждение, гражданско-правовые договоры, изъятие, обыск.

Tulaganova Gulchekhra Zakhitovna,

Professor of the Department of Court

Law enforcement and advocacy

Tashkent State University of law Doctor of law

E-mail: g.tulaganova@tsul.uz

Тел: (99) 886-27-27

RIGHTS OF RETAINED AND PRISONERS

ANNOTATION:

This article examines the rights of detainees and prisoners, as well as the norms of criminal procedural and penal legislation regarding the rights of detainees and prisoners, in addition, the rules of detention, the legal status of suspects, accused and defendants, places of detention of detainees and suspects, criminal proceedings, the procedure for notifying the relatives of detainees, the right of detainees and prisoners to familiarize themselves with documents and records regarding the criminal case against the perpetrator, as well as other issues.

Keywords: human rights, criminal aggression, economic, state, inviolability, offense, prisoner, convict, international documents, detention, lawyer, expert opinion, places of detention, remand prison, penitentiary institution, civil law contracts, seizure.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни жиной тажовузлардан ҳимоя қилиш муаммоси ҳар бир давлат олдида, унинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиш даражасидан қатъи назар, ҳар хил даражага эга. Ҳар қандай демократик давлат ўз ҳудудида яшайдиган инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида" эълон қилинган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси БМТ Бош ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги ООН резолюцияси билан "барча халқлар ва барча давлатлар эришиши лозим бўлган вазифа, яъни ҳар бир инсон ва ҳар бир жойдаги вазифа" деб қабул қилинди. Ушбу Декларацияни доимо ёдда тутган жамиятлар ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилишни рағбатлантириш ҳамда миллий ва халқаро миқёсдаги прогрессив чора-тадбирлар орқали уларни Ташкилотга аъзо давлатлар халқлари орасида универсал ва фаол эътироф этиш ва амалга оширишни таъминлаш мақсадида таълим ва тарбия орқали интилишди ва юрисдикциядаги ҳудудлар халқлари орасида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида "Ҳар ким яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" деган қоидалар мустаҳкамланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган

ҳолда ҳибсга олинishi ёки қамокда сақланиши мумкин эмас” [2]. Конституциянинг ушбу қондаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида мустаҳкамланган. Худди шу меъёрлар республикамиз қўшилган халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарлик соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг қоидаларига, жиноятчиликка қарши курашда ҳам, айбдорларга нисбатан инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳам, ушбу қонунларни ички қонунчиликда амалга ошириш учун барча чоралар уларнинг бажарилиши бўйича қўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан ушланганлар ва маҳбуслар қуйидаги ҳуқуқларга эга: яъни уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, қамокда сақлаш режимлари, ахлоқ қоидалари, ариза, таклиф ва шикоятларни юбориш тартиби тўғрисида маълумот олиш; қамокда сақлаш жойининг бошлиғига ёки у ваколат берган шахсга, шунингдек қамокда сақлаш жойларини назорат қилувчи ёки назорат қиладиган мансабдор шахсларга шахсан кириш учун мурожаат қилиш; шахсан ўзи ёки адвокат ёки қонуний вакил орқали уларнинг мазмунининг қонунийлиги ва асослилиги, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши тўғрисида ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш; ёзишмалар, уларнинг ихтиёрида қоғоз ва иш юритиш буюмлари бўлиши; шахсий хавфсизлик тўғрисида; адвокат, қонуний вакил, қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувларда; қонун билан ҳимояланган сирлар; жиноят иши билан боғлиқ ёки уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлар ва ёзувларни сақлаш, қонунга хилоф мақсадларда ишлатилиши мумкин бўлган ёки давлат сирларини бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар ва ёзувлар бундан мустасно. Бундан ташқари тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаларида қатнашиш пайтида; бепул озиқ-овқат, моддий ва маиший ва тиббий ёрдам олиш, дори-дармонларни белгиланган тартибда қабул қилиш ва сақлаш; посилка, ўтказмалар, посилкалар олиш; тунда саккиз соатлик ухлаш учун, уларнинг давомида процессуал ва бошқа ҳаракатларга жалб қилиниши тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; камида бир соат давом этадиган кунлик сайр қилиш учун; рўйхати ва миқдори ички тартиб-қоидалар билан белгиланадиган ўз кийим-кечак, поябзал ва бошқа нарсаларни, шунингдек озиқ-овқат, зарур буюмлардан фойдаланиш; ушлаб турилган жойнинг кутубхонасидаги қонун ҳужжатлари, адабиёт ва даврий нашрлардан фойдаланиш ва ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиш; ушлаб туриш жойи биносида сажда қилиш, қамоқхонанинг кутубхонасидан диний адабиётлардан фойдаланиш, диний сажда қилиш объектлари - агар бу ички қоидаларни, шунингдек бошқаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса; сақлаш жойлари ходимлари томонидан илтифотли муносабатда бўлиш; фуқаролик битимларида иштирок этиш. Ҳибсга олинган маҳбус аёллар улар билан икки ёшгача бўлган болаларга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Маҳбуслар, санаб ўтилган ҳуқуқлардан ташқари, қуйидаги ҳуқуқларга эга: пул ўтказмаларини олиш; ушлаб турилган жой маъмурияти орқали озиқ-овқат, зарур нарсалар, дарсликлар, қоғозлар ва иш юритиш буюмларини сотиб

олиш; қамоқда сақлаш жойи кутубхонасидан стол ўйинларидан фойдаланиш; зарур бўлганда ушлаб турилган жой маъмурияти томонидан рухсат берилган кийим ва пояфзалларни олиш; оилавий муносабатларда иштирок этиш. Тегишли шароитларда маҳбусларга ишлаш учун имконият берилади.

Ушланганлар ва маҳбуслар ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқлардан ташқари, гумон қилинувчи ва айбланувчи учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган ҳуқуқларга эга [4].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига жазони ўташ жойларида жазони ижро этиш муассасасининг режимига нисбатан белгиланган қоидаларга мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумлар, агар бошқа жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилса, посилкалар, пул ўтказмалари, посилкалар, озиқ-овқат ва бошқа буюмларни олиш ҳуқуқига эга. Вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган ушланганлар ва маҳбуслардан улардан фойдаланиш учун қандай ҳуқуқлардан фойдаланилади. Қўлга олинганлар ва маҳбуслар уларни ишлатишда озиқ-овқат ва асосий зарурий нарсаларга эга бўлишлари мумкин. Улар орасида куйидагилар мавжуд:

Озиқ-овқат маҳсулотлари маҳбус ёки маҳкум ўзи олиб кетиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий оғирлиги вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва тергов ҳибсхоналарида белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак;

Юқорида айтилганларга қўшимча равишда, гумон қилинувчиларга (ёки айбланувчиларга) бланklar, топширилган пул учун квитанциялар, қимматбаҳо буюмлар, ҳужжатлар ва бошқа нарсаларни олиб юриш рухсат этилади. Шунингдек, Ушлаб турилганлар ва маҳбуслар ўзлари билан ҳужжатларни олиб туришлари мумкин. Ушлаб турилганлар ва маҳкумлар жиноят иши билан боғлиқ ҳужжатлар ва ёзувларни сақлаш ҳуқуқига эга. Масалан, олиб қўйиш, тинтув, олиб қўйиш баённомаларининг нусхалари, қонунга мувофиқ, ушбу тергов ҳаракатлари амалга оширилган шахсга топширилади. Бу экспертизани тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар ва ёзувлар бўлиши мумкин, чунки терговчи айбланувчини экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор, эксперт хулосаси ва сўроқ учун баённома билан таништириши шарт. Жиноят иши билан танишиб чиқиши муносабати билан айбланувчида кўпроқ ҳужжатлар ва ёзувлар сақланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 376-моддаси бешинчи қисмига кўра, айбланувчи ундан ҳар қандай ҳужжат ва иш материаллари билан танишиш жараёнида уни ёзиб олишга ҳақлидир [3].

Ушлаб турилганлар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳужжатларни ва ёзувларни сақлаш ҳуқуқига эгадирлар. Булар фуқаролик судининг гумон қилинувчига ёки айбланувчига нисбатан қарорлари, ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг шикоятларига ва аризаларига жавоблар, сақлаш учун топширилган пул ва қимматбаҳо қоғозлар, квитанциялар, ҳужжатлар ва бошқа нарсалар. Бундай

ҳолда, гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг шахсий ҳужжатлари ушлаб туриш жойи маъмуриятига топширилади.

Ҳибсга олинганлар ва маҳкумларга ноқонуний мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳужжатлар ва ёзувларни сақлашга рухсат берилмайди. Буларга, масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки бошқа давлат органлари ходимларининг гувоҳнома шакллари, қасддан ёки яқинлашиб келаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар тўғрисидаги ёзувлар, қамокда сақлаш жойини ҳимоя қилиш тизимлари ёки алоҳида элементлари, қамокда сақлаш жойи ходимлари, уларнинг оила аъзолари, тақиқланган нарсаларни, асрларни ва бошқаларни ўтказиш усуллари.

Ҳибсга олинганлар ўзлари нақд пуллар олиб юриш ҳуқуқига эга эмаслар. Чунки ушланганлар ва маҳбуслар томонидан нақд пулларни қабул қилиш ва сақлаш, шунингдек нақд пул тўлашга йўл қўйилмайди ва ҳибсга олиш режимининг бузилиши ҳисобланади. Судгача тергов ҳибсхонасида бўлганида, гумон қилинувчилар ва судланувчилар изоляция хонасида шахсий ҳисобларида сақланадиган нақд бўлмаган пулларга эга бўлишлари мумкин. Маҳбуслар ёки маҳбуслар томонидан олинган пуллар, пул мукофотлари ва пул ўтказмалари ушбу ҳисоб варақларга ўтказилади. Қонунда бундай ўтказмаларнинг чекланган миқдори белгиланмаган. Маҳкумнинг ёки маҳкумнинг шахсий ҳисобидаги маблағлар улар ўз эҳтиёжлари учун: озиқ-овқат, саноат товарлари, адабиёт, даврий нашрларни сотиб олиш ва қўшимча хизматларни тўлаш учун сарфланиши мумкин. Маҳбуслар ва маҳбуслар пул ўтказмаларини олиш ва юбориш ҳуқуқига эга. Ушлаб турилганлар ёки маҳбусларнинг пуллари почта орқали тергов ҳибсхонасига ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонасига ўтказилади. Улар гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади ва у ўз хоҳишига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари, асосий эҳтиёж буюмлари, иш юритиш материаллари, даврий нашрлар ва бошқаларни сотиб олишга сарфланади. Тўлов банк ўтказмаси орқали амалга оширилади. Ҳар қандай шахс ушлаб турилган ёки маҳбусга қариндошлари, дўстлари, хайрия ишлари билан шуғулланадиган одамлар ва бошқалар пул ўтказмасини юбориши мумкин. Маъмурият рухсати билан маҳбуслар ёки маҳбуслар қариндошлари ва бошқа шахсларга пул ўтказмаларини юборишлари мумкин. Маҳбуснинг ёки маҳбуснинг шахсий ҳисобварағидаги пул маблағларини ўтказиш учун у раҳбарга асослантирилган ариза ёзади. Пулни юбориш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиладиган тергов ҳибсхонаси ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда пул ушланган ёки маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан почта орқали юборилади. Бундай пул ўтказмалари маҳбуснинг қариндошларига ҳам, маҳбусларга ҳам, бошқа одамларга ҳам юборилиши мумкин. Ушлаб турилганлар ва маҳбусларнинг қамокдаги мажбуриятлари. Қамокда сақлаш жойи маъмуриятининг қонуний талабларига риоя қилиш, шунингдек қамокда сақлаш жойлари ходимлари ва тартибни таъминловчи бошқа шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслик; шахсий гигиена ва санитария талабларига риоя қилиш; ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; қамокда сақлаш жойларининг мулкига ғамхўрлик қилиш;

хоналарни ва бошқа хоналарни устуворлик тартибида тозалаш; бошқаларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар қилмаслик; Ўз ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, бошқаларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган қасдан ҳаракатлар қилмаслик. Ушлаб турилганлар ва маҳбуслар ушбу қонунда белгиланган мажбуриятлардан ташқари: тартибни сақлаш тартибига риоя қилиш; тергов ҳибсхонаси ва Тергов муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига риоя қилиш; тергов ҳибсхонаси ва тергов муассасаси ходимларига, шунингдек қамокда сақлаш тартибини таъминловчи бошқа шахсларга ўз хизмат вазифаларини бажаришда тўсқинлик қилмаслиги; белгиланган кун тартибига риоя қилиш ва бошқалар киради. Айрим хорижий давлатлар тажрибасига тўхталиб ўтсак, Германия Федератив Республикасида асосий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари фақат суднинг рухсати билан ўтказилиши мумкин. Бу ерда Франциядан фарқли равишда тергов судьяси (Ermittlungsrichter) жиний таъқибни амалга оширмайди, ишни тергов қилмайди, фақатгина полиция-прокурорнинг конституциявий ҳуқуқларни чекловчи ҳаракатларига рухсат беради. Қонунда ҳуқуқларни чеклаш даражасининг ваколатга боғлиқлиги белгиланган [5,6]. Асосий ҳуқуқларни жиддий чеклаш фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкин [7,8]. Жумладан, почта жўнатмаларини олиб қўйиш, даврий нашрларни олиб қўйиш, тинтув, айбланувчини психиатрия касалхонасига кузатиш учун жойлаштириш, айбланувчининг танасини гувоҳлантириш, қон намуналарини олиш, кўчаларда назорат пунктларини ташкил қилиш, мол-мулкни олиб қўйиш ва хатлаш, қамокқа олиш, телефон сўзлашувларини назорат қилиш суднинг рухсати билан амалга оширилади. Почта жўнатмаларини олиб қўйиш учун суднинг буйруғи талаб қилиниши билан бирга, олиб қўйилган почта жўнатмаларини очиш ваколати ҳам фақат судга берилган.

Агар асосий ҳуқуқларни чеклаш суд томонидан белгиланган бўлса, ушбу чораларга нисбатан ЖПКнинг 304-моддасига асосан шикоят берилиши мумкин. Бироқ, айрим чораларга нисбатан шикоят берилиши мумкин эмас. Прокуратура томонидан белгиланган мажбурлов чораларига нисбатан суд назорати нафақат қонунда тўғридан-тўғри белгиланган ҳолларда (98-модда, 100b-модда, 111e-модда, 128, 161-модда, 163-модда) балки бошқа исталган ҳолларда қўлланилиши мумкин, сабаби ГФР ЖПКсига мувофиқ, қонун аналогия бўйича қўлланилади [9]. Яъни, ушбу чораларга нисбатан суд назорати, ушбу чоралар прокурорнинг ваколатига тааллуқлилиги сабабли қўллангани ёки кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қўлланганидан қатъий назар татбиқ қилинади. Ушбу қоида прокуратуранинг топшириғига асосан тергов олиб бораётган мансабдор шахсларга ҳам тегишли.

Жиноят-процессуал мажбурлов чораларини қўлланилган шахслар, ушбу чоралар яқунланган-яқунланмаганидан қатъий назар ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқига эгаллиги, чунки мазкур чораларнинг ғайриқонунийлиги ва дискриминация қилувчи оқибатлари узоққа чўзилиши мумкинлиги, шунингдек уларни такрорлаш эҳтимоли катталигини асос қилиб келтирилганлар. Мажбурлов чорасини ижро қилинган бўлсада, қонунга хилофлигини аниқлаш манфаати борлигини ҳисобга олиб, қонун аналогиясини қўллаган ҳолда шикоят берилиши

мумкин деб ҳисобланади. ГФР ЖПК айнан ушлаб туриш ва қамоққа олишга нисбатан суд назоратининг қатъийлиги ва тўлиқ тартибга солинганлиги билан диққатга сазовор. ЖПКнинг 115-моддасига кўра, ушлаб турилган шахс, агар озодликка қўйиб юборилмаган бўлса, ўша куннинг ўзида ушланган ҳудуддаги участка суди судьясига келтирилиши зарур. Судья шахсни сўроқ қилади ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш учун тергов ҳаракатлари ўтказиши мумкин, агар судья ушлаб туришни асоссиз деб топса, уни озод қилиш ҳақида қарор чиқаради, асосли деб топса, прокурорнинг илтимосномасига кўра, агар прокурор қатнашмаса, ўзининг ташаббуси билан қамоққа олиш ва тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида қарор чиқаради. Жиддий асослар мавжуд бўлса, судья муайян касб тури, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тақиқлаши мумкин. Назоратни амалга ошириш ваколатига юклатилган судья, бир вақтнинг ўзида ёки кейинчалик ушбу ишни тергов қилиши мумкин эмас. Фикримизча, ҳуқуқ тизимининг ўхшашлиги ва амалдаги процессуал функциялардаги умумий жиҳатлардан, шунингдек суд назорати фақат юрисдикциявий назорат билан чекланганидан келиб чиқиб, ишни судга қадар юритиш устидан ГФР тажрибасини оптимал ҳисоблаш мумкин. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар вазирлари кўмитасининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Вақтинча қамоққа олиш, уни ижро этиш шартлари ва суиистеъмол қилинишига қарши кафолатлар тўғрисида» тавсияномасининг 3-бандида айбсизлик презумпцияси ва шахс озодлиги нуқтаи назаридан гумон қилинувчининг қамоқда сақланиши норма эмас истисно бўлиши зарурлиги, қамоқда сақлаш асослари вақти-вақти билан суд томонидан қайта кўрилиши ва қамоққа олинган гумон қилинувчини озод қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкинлиги, қайта кўриш орасидаги муддат агар шахс ариза бериш ҳуқуқидан фойдаланмаса 1 ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро стандартлари миллий қонунчиликка татбиқ қилиниши зарурлиги ҳақида қуйидагича тавсияларни беришимиз мумкин.

Биринчидан, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 9-моддасида белгиланган ҳар бир шахс ўз ишининг судда одилона кўриб чиқилиши ҳуқуқи, ушлаб туришнинг қонунийлигини суд томонидан текшириш ва агар ноқонуний ушланган бўлса озод қилинишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

Иккинчидан, ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш судларнинг ҳам ҳуқуқи ҳам мажбурияти эканлиги, бунда суд далилларни ўрганиш ҳуқуқига эгаллиги;

Учинчидан, ишни судга қадар юритиш жараёнида гумон қилинувчи ушлаб турилганда, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганда, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>.
3. Tadjibaeva Albina. Some Issues Of The Defense Function In Criminal Proceedings In The Appointment Of Forensic Psychiatric Examination In The Republic Of Uzbekistan. Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 11, Issue-07, 2019.
4. Таджибаева Альбина Юлдашбаевна. Теоретический анализ уголовно-процессуальных функций. «Хуқуқий тадқиқотлар» электрон журнали 3 (SPECIAL 2). Б. 319-326. (Tadjibaeva Albina Yuldashbaevna. Theoretical analysis of criminal procedural functions. Electronic Journal of Legal Research 3 (SPECIAL 2). -p.319-326 <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2020/04/huquq-2020-SI/huquq-2020-SI-3.pdf>
5. **Murod Urazaliev. Comparative Legal Analysis of the Criminal Law of Some Developed Countries from the Standpoint of Regulating the Liability of Legal Entities.** Psychology and Education Journal. [Vol. 57 No. 9 \(2020\): Volume 57 No. 9 \(2020\) DOI: https://doi.org/10.17762/pae.v57i9.326](https://doi.org/10.17762/pae.v57i9.326).
6. **Razzok Altiev.** Subjective Signs of the Crime of Fraudulent Looting of Property in the Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. Psychology and Education Journal. [Vol. 58 No. 1 \(2021\): Volume 58 No. 1 \(2021\). https://doi.org/10.17762/pae.v58i1.865](https://doi.org/10.17762/pae.v58i1.865).
7. Nargizakhon Rakhimjonovna Rakhimjonova. Classification System of Crimes in Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Psychology and Education. 2021. p.1094-1101. psychologyandeducation.net.. <https://doi.org/10.17762/pae.v58i1.859>.
8. Фазилов Ф. Социально-правовой генезис отмывания денег (легализации преступных доходов) //Review of law sciences. – 2020. – Т. 2. – №. Спецвыпуск.
9. Уголовно-процессуальный кодекс ФРГ. <https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>

**Вояга етмаганларга доир жиноят ишларида педагог ва психолог
иштирокининг айрим масалалари**

Нодиров Музаффар Ахмад ўғли

Тошкент давлат юридик университети Жиноий одил судлов факультети Ёшлар
билан ишлаш бўйича декан ўринбосари

Телефон: +998(90)3715022

muzaf89@mail.ru

Аннотация: мазкур мақолада вояга етмаганларга доир жиноят ишларида педагог ва психолог иштирокининг айрим масалалари ёритилган. Хусусан, педагог ва психологнинг фақатгина вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда эмас, балки вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилиш жараёнида ҳам иштирок этиш масалалари, шунингдек, сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан бошқа тергов ҳаракатларида ҳам педагог ва психологнинг иштирок этиш масалалари ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилиб асослантирилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган гумон қилинувчи, вояга етмаган айбланувчи, педагог, психолог, сўроқ қилиш, тергов ҳаракатлари.

Суриштирув ва дастлабки терговда вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқлари таъминланишига доир мунозарали масалалардан бири бу сўроқ қилишда педагог ва психологнинг иштирок этиши масаласидир.

Вояга етмаганнинг ёш ва психологик ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини таъминлашга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд билан алоқа ўрнатишга қўмаклашишга, қулай руҳий ҳолатни таъминлашга қаратилган бир қатор ўзига хос хусусиятлар жиноят ишлари бўйича иш юритувда педагог ва психолог иштироки билан боғлиқ.³⁰

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 554-моддасига кўра вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин.

А.А.Федорова қайд этганидек, жиноят ишлари бўйича иш юритувнинг вояга етмаган иштирокчиларига салбий таъсир ўтказилишига йўл қўймаслик механизмининг муҳим таркибий қисмларидан бири – бу тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида педагог ва психологларнинг иштироки ҳисобланади³¹. Бироқ педагог ва психологнинг вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича иш юритувга жалб этишга доир ЖПКда белгиланган амалдаги тартиб иш юритув жараёнида вояга етмаганларга етказилиши мумкин салбий таъсирларнинг олдини олишга хизмат қилувчи бундай самарали механизмдан тўлақонли фойдаланишга имкон бермайди. Жумладан, ЖПКнинг 554-моддасида қонун

³⁰ Шувалова М.А. Необходимость индивидуального подхода к выбору между психологом и педагогом в уголовном судопроизводстве по делам с участием несовершеннолетних // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. №4. (76). 2017. – С. 236.

³¹ Федорова А.А. “Участие педагога и психолога в следственных и судебных действиях с участием несовершеннолетних как способ недопущения оказания на них негативного влияния (воздействия)” // Вестник Московского университета МВД России. – 2019. - №5. – С.182.

чиқарувчи педагог ёки психологни фақат сўроқ қилиш тергов ҳаракатига жалб этиш имкониятини назарда тутган.

С.А.Артёмов,³² О.Ю.Адрианова³³лар вояга етмаганларга оид жиноят ишларида педагог ва психологни нафақат сўроқ тергов ҳаракати балки, кўрсатувларни воқеа жойида кўздан кечириш, шахсий тинтув, экспертиза, тергов эксперименти ва бошқа тергов ҳамда процессуал ҳаракатларда жалб этиш заруриятини қайд этганлар.

Дарҳақиқат, педагог ва психолог ёрдами вояга етмаган шахс иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари, хусусан, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқа тергов ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаган шахс манфаатларига зарар етказмасликда, хусусан, вояга етмаган шахсга етказилиши мумкин бўлган руҳий зарба ёки бошқа салбий таъсирлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда белгиланган педагог ёки психологни сўроқ қилиш тергов ҳаракатига жалб этишга доир чекловлардан бири – уларнинг фақат айбланувчини сўроқ қилишда жалб этилиши мумкинлиги бўлиб, бу эса вояга етмаган гумон қилинувчини сўроқ қилишда педагог ёки психолог ёрдамидан фойдаланишни истисно этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддасида педагог ёки психологнинг иштирок этиш масаласи суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига ҳавола этилган бўлиб, бу жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигига зид ҳисобланади. Яъни норманинг амалдаги таҳрири ҳимоячи ҳамда қонуний вакилга тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатларда педагог ёки психологни жалб этиш юзасидан тегишлича илтимоснома киритиш имкониятидан маҳрум этади.

Мазкур масала юзасидан фикр юритган Н.В.Машинская вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг қонуний вакили ҳамда ҳимоячиси тергов ҳаракатларида аниқ бир педагог ёки психолог иштироки юзасидан илтимоснома бериш имкониятини назарда тутувчи тартибни таклиф этган. Муаллиф, шунингдек, судга қадар иш юритувда педагог ёки психологнинг ўз вақтида иштирокини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларида ишга жалб қилиниши мумкин бўлган педагог ва психологларнинг ягона маълумотлар базасини яратишни таклиф этган.³⁴ Муаллифнинг биринчи таклифини ёқлаган ҳолда, маълумотлар базасини яратишга доир иккинчи таклифига тўла қўшила олмаймиз. Бойси, мамлакатимизда вояга етмаган шахслар жиноят ишлари нафақат ички ишлар органи, балки прокуратура, давлат ҳафвсизлик хизмати ва бошқа суриштирув ҳамда тергов органлари томонидан олиб борилиши мумкин. Иккинчидан бундай маълумотлар базасининг яратилиши иш юритувни олиб

³² Артёмов С.В. К вопросу о законодательном регулировании участия педагога в уголовном судопроизводстве // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2016. – № 1(23). – С. 132–133.

³³ Андриянова О.Ю. Особенности судопроизводства по уголовным делам о преступлениях несовершеннолетних. Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. Владимир:РГБ, – 2006. – С. 85.

³⁴ Машинская Н.В. Проблемы обеспечения эффективного участия педагога и психолога в досудебном производстве по уголовным делам несовершеннолетних // Государство и право. Экономика. 2015. – С. 127.

бораётган шахснинг педагог ёки психологни жалб этишга доир танловнинг чекланишига олиб келиши мумкин.

Вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича иш юритувга педагог ва психологни жалб этишга доир Россия Федерацияси³⁵, Қозоғистон Республикаси³⁶, Қирғизистон Республикаси³⁷, Озарбайжон Республикаси³⁸ каби бир қатор МДХ давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида 16 ёшга тўлмаган ёхуд 16 ёшга тўлган бўлсада, рухий ривожланишдан ортда қолиш белгиларига вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи иштирокидаги процессуал ҳаракатларда педагог ёки психологининг иштироки шартлигига доир императив норма; 16 ёшга тўлган вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи иштирокидаги процессуал ҳаракатларда ушбу шахслар суриштирувчи, терговчи ихтиёрига кўра ёхуд ҳимоячи, қонуний вакил илтимосномасига кўра жалб этилиши мумкинлигига доир диспозитив норма белгиланган.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддаси қамровини кенгайтириш ва педагог, психолог иштирокини фақат сўроқ қилиш тергов ҳаракатида эмас, бошқа тергов ҳаракатларида (юзлаштириш, кўрсатувларнинг ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўсатиш, гувоҳлантириш ва бошқ) ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Педагог ва/ёки психологни жиноят процессида иштирокига доир нормани амалиётда қўллашда вужудга келадиган муаммолардан яна бири - бу қандай ҳолатда педагог, қандай ҳолатда психолог жалб қилиниши бўйича тушунтиришларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, амалдаги таҳрир бу икки субъектни бир вақтда жалб этиш имкониятидан маҳрум этган.

Педагог ва психолог кўп ҳолларда алоҳида субъектлар сифатида қаралмайди ва бир хил процессуал иштирокчи сифатида кўрилади. Бирок, улар ўхшаш махсус билимларга эга эканлигига қарамасдан уларнинг ҳажми ва мазмуни ўзаро жиддий фарқ қилади. Педагогиканинг асосий вазифаси таълим жараёни қонуниятларини аниқлашдан иборат. Психологиянинг вазифаси эса рухий ҳодиса ва жараёнларнинг шаклланишини, ривожланиши ва намоён бўлишининг ўзига хосликларини ўрганишдан иборат. Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича иш юритувда педагогика суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяда таълим ва тарбия соҳасига доир педагогик билимлар ўрнини қоплаш мақсадида фойдаланилади. Психология эса жиноят процесси доирасида шахснинг рухий ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда тўғри процессуал қарорлар қабул қилинишига қаратилган.³⁹

³⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 № 174-ФЗ. // <http://www.consultant.ru/document>

³⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V. // <http://online.zakon.kz>

³⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 20. // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111530>

³⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ. // <http://www.legislationline.org>

³⁹ Бакурина А.И. Роль педагога и психолога в уголовном судопроизводстве с участием несовершеннолетних // Бюллетень инновационных технологий. БИТ 2017 Том 1. № 3. – С. 29.

М.А.Шувалова фикрича, жиноят ишлари бўйича иш юритувда педагог махсус педагогик билимлар ҳамда мулоқот қилиш кўникмасига эга бўлмаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг вояга етмаган шахс билан педагогик нуқтаи назардан тўғри мулоқотга киришишини таъминлайди. Психологнинг иштироки эса, энг аввало, вояга етмаган шахс хулқ атворининг мотивларини тушунтириш, шунингдек, тергов ҳаракатларини ўтказишда муайян қийинчиликларни юзага келтирувчи яққол шаклдаги салбий индивидуал-руҳий ўзига хос хусусиятлар (агрессияни намоён қилиши, ўта ҳаяжонга берилиш) ёки руҳий бузилишларга эга вояга етмаган шахсга малакали ёрдам кўрсатишдан иборат.⁴⁰

Баён этилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганларга доир жиноят ишларига жалб этиладиган педагог ва психологнинг ҳар бири ўз ихтисослигига эга бўлиб, бу икки субъектни бир бирини ўрнини босувчи мутахассис сифатида баҳолаб бўлмайди. Шу боис айрим ҳолларда вояга етмаган шахс иштирокидаги айни бир тергов ёки процессуал ҳаракатда ҳам педагог ҳам психологнинг иштироки тақозо этилиши мумкин. Шунга кўра, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаганлар иштирокидаги тергов ҳаракатларида, зарурият туғилганда, айни бир вақтда педагог ва психолог иштироки мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

⁴⁰ Шувалова М.А. Педагог и психолог как две независимые процессуальные фигуры уголовного судопроизводства // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2019. - № 3 (83). – С. 122.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ЗАЩИТЫ СМЕЖНЫХ ПРАВ В ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯХ

Уктамжоновна Мохинур Икболжон-кизи

Ташкент, Ташкентский государственный юридический университет
Научный руководитель: Ш.А.Хужаев – заведующий кафедрой
Право интеллектуальной собственности ТГЮУ, доктор философии по
юридическим наукам (PhD)

Abstract: The scientific thesis will consider the features of the protection of related rights in telecommunications in countries such as the United Kingdom and the United States. In view of this, it should be noted that an effective study of the protection of related rights in telecommunications is based on a comparative legal study. In view of the many similar studies on copyright, highlighting a comparative study on related rights in telecommunications would be a very valuable contribution to legal science.

Keywords: related rights, telecommunications, statute, protection.

Для уяснения проблематики защиты смежных прав в телекоммуникациях представляется целесообразным рассмотреть зарубежного опыта регулирования в Великобритании и США.

В Великобритании действует статут Copyright and Related Rights Regulations 2003 — документ, приближающий авторское и смежное право Великобритании к общеевропейскому, тезисы которого изложены в Copyright Directive⁴¹. В соответствии с ч. 2 ст. 8 п. 28А Copyright and Related Rights Regulations 2003 «авторское право на тексты, кроме компьютерных программ, баз данных, или источники в оригинальном виде: художественной литературы, живописи, музыки или фильмов — не будет нарушено созданием временной копии, которая является переходной или непредвиденной, но никак не основной и единственная цель которой состоит в том, чтобы позволить:

- (a) передачу произведения по Сети между третьими лицами посредником или
- (b) законное использование произведения.

При этом создание такой копии не должно преследовать коммерческие цели».

Подобный подход в отечественном праве помог бы избежать споров о передаче и некоммерческом распространении через Интернет легальных объектов, так как в соответствии с Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН

⁴¹ Copyright, Designs and Patents Act (1988), ch. 48, § 77—89 (Eng.), CopyrightLaws and Treaties of the World. Vol. 3 (1988).

«Вопросы, касающиеся информации»⁴² свобода информации признается в отношении каждого человека, организации, государства.

Несколько иной подход к регулированию отношений по использованию объектов смежного права в Интернете применяется в США. В данном государстве действует закон⁴³, принятый в 1976 г., который содержит положения, основанные на принципе добросовестного использования (fair use) положения, касающиеся репрографии. Они допускают свободное фотокопирование в целях образования (в том числе размножение для использования копий) большей части охраняемых произведений.

Несмотря на отсутствие профильного нормативного правового акта, регулирующего защиту смежных прав в сети Интернет, в США существует Закон о защите авторских прав в цифровую эпоху, принятый в 1998 г.⁴⁴ В настоящее время это наиболее прогрессивный документ, принятый в целях упорядочения правового регулирования охраны объектов авторских и смежных прав при их использовании в Сети.

Существенным отличием американского подхода от английского является то, что в США ограничение ответственности за нарушение авторского права определено более конкретно. В соответствии с Digital Millennium Copyright Act охране подлежат все объекты смежного права, которые находятся в Интернете. Однако любое лицо освобождается от ответственности за их нарушение в силу незнания о нарушении. Способом уведомления о нарушении может быть письмо, телеграмма или сообщение по электронной почте. И только если в разумный срок получатель предупреждения не удалит объект смежного права, к нему могут применяться нормы ответственности за нарушение, а для удаления его из Сети привлекается провайдер.

В отношении нарушения смежных прав используются положения Закона о защите авторских прав в цифровую эпоху, принятого в 1998 г., который предусматривает уголовную ответственность за распространение пиратских копий фильмов, сделанных до официальной премьеры⁴⁵. А за распространение копий охраняемых смежным правом произведений предусматривается лишь взыскание недополученной выгоды.

Право США предусматривает компромиссный вариант защиты смежных прав в телекоммуникациях, по которому защита производится без нарушения прав на копирование, передачу, обмен и получение информации. Закон выступает в роли регулятора отношений, который стремится к их урегулированию без создания спорных ситуаций. Если английское законодательство не считает нарушением передачу объектов, охраняемых авторским правом, в Интернете, то американское, не отказываясь от защиты,

⁴² Directive 2001/29/EC of the European Parliament and of the Council of 22 May 2001 on the Harmonisation of Certain Aspects of Copyright and Related Rights in the Information Society, OJ No. L167 of 22 June 2001. P. 10. Corrected by OJ No. L006 of 10 Jan. 2002. P. 70. // См. также: URL: <http://rudocs.exdat.com/docs/index-412240.html>.

⁴³ The Copyright Act of 1976 U. S. Statutes at Large: 90 Stat. 2541 (1976).

⁴⁴ Digital Millennium Copyright Act (DMCA) // Wilbur M. A. DMCA: the Digital Millennium Copyright Act. Lincoln, Nebraska, 2001.

⁴⁵ Leval P. N. Campbell v. Acuff-Rose: Justice Souters Rescue of Fair Use // Cardozo Arts & Entertainment Law Journal. 1994. No. 13.

пытается конкретизировать объект и в случае выявления факта распространения ликвидировать нарушение, содействуя человеку, который мог ему непреднамеренно способствовать⁴⁶.

Государственная политика многих стран в вопросе контентной фильтрации Сети заключается в том, чтобы предоставить обществу и гражданам услуги по защите от вредного и незаконного контента⁴⁷.

Большинство зарубежных стран имеют сходные между собой модели законодательства об авторском праве, принятые в соответствии с Бернской конвенцией и договорами ВОИС. Стоит отметить, что наиболее развитым в части объектов охраны является законодательство США, которое имеет несколько законов об авторском праве. Digital Millennium Copyright Act 1998 г. — первый Закон об охране авторского права в Интернете.

Сравнительный анализ законодательства показал, что регулирование, осуществляемое правовыми нормами, выступает в США, Великобритании и во Франции наиболее результативным и эффективным способом, так как эти нормы исходят от всего общества и регулируют его базовые отношения⁴⁸. Это означает, что государство в случае нарушения объективного права обладает возможностью легального принуждения.

Большинство зарубежных стран имеют сходные между собой модели законодательства об авторском праве, принятые в соответствии с Бернской конвенцией и договорами ВОИС. Стоит отметить, что наиболее развитым в части объектов охраны является законодательство США, которое имеет несколько законов об авторском праве. Digital Millennium Copyright Act 1998 г. — первый Закон об охране авторского права в Интернете.

Из опыта правового регулирования и охраны объектов смежных прав в Интернете в зарубежных странах следует, что в целях совершенствования законодательства Республики Узбекистан необходимо обратить внимание на следующие моменты:

- 1) изучение практики охраны объектов смежных прав в США, законодательство которого предусматривает компромиссный вариант защиты смежных прав в Интернете: защита производится без нарушения прав на копирование, передачу, обмен и получение любой информации;

- 2) проблему определения юрисдикции в вопросах нарушения смежных прав в Интернете можно разрешить посредством:

- заключения международного соглашения о юрисдикции в отношении деятельности с использованием Сети, в котором необходимо определить критерии отнесения к юрисдикции государства для каждого распространенного типа правоотношений;

- унификации материального законодательства;

⁴⁶ Кошкина Э. Конгресс США одобрил законопроект об уголовной ответственности за файлообмен. URL: <http://security.compulenta.ru/180629/>.

⁴⁷ Гузеева О. С. Ответственность за распространение противозаконной информации в сети Интернет: практика зарубежного законодательства // Международное уголовное право и международная юстиция. 2008. № 2. С. 78.

⁴⁸ Власенко А. В. Охрана объектов авторского права в сети Интернет в зарубежных странах и в Российской Федерации // Образование и право. 2010. № 1.

- заключения международного соглашения, определяющего применимое право к различным ситуациям (право страны нахождения сервера или нахождения ответчика).

Technology

Apply a comparative approach in real estate valuation and ways to optimize

Shobilolova Robiyakhon Shorakhim qizi –
master's student of Tashkent Institute
of architecture and civil engineering

Abstract: The purpose of this study is to propose an innovative real estate valuation approach called Quantitative Comparative Approach, which can estimate correction coefficients to overcome the shortcomings of subjective decisions of correction coefficients of traditional comparative approach. The principle is to assume that the price per unit area of real estate is the average price per unit area of the particular circle of housing supply and demand multiplied by the product of several dimensionless adjustment coefficients of factors. The single regression models of these adjustment coefficients can be built with the stepwise decomposition regression analysis. Then the adjustment coefficients of comparative cases and target case can be estimated with these single regression models, and finally the correction coefficients can be estimated by dividing the adjustment coefficients of target case by those of comparative case.

Keywords: Quantitative, comparative approach, case-based reasoning, real estate, valuation, market value

Comparative approach is embedded in the International valuation standards (IVS) or also in European valuation standards (EVS) as a main approach to receive a market value. Market value is intended by following definition: “The estimated amount for which the property should exchange on the date of valuation between a willing buyer and a willing seller in an arm’s length transaction after proper marketing wherein the parties had each acted knowledgeably, prudently and without compulsion.” It is easy to find, that the definition gives such type of notion, it cannot be identified with market price. Especially in realty, this property strongly confirms market price and market value are not identity. The comparative method of valuation is used as the basis for all valuation methods; it does not use difficult financial models but simple mathematical operations and critical thinking. The comparative method of valuation is based on “the valuation of the “market value” of a property, or its rent on the “market rent”, by comparing it with 'similar' properties in relation to the features which affect their value”. Therefore, a comparative prerequisite is that comparative data be available. These items relate to transactions already made or quoted for other properties with similar characteristics to the estimated making the appropriate adjustments”.

The comparative approach estimates the price of target case through comparison, analysis, adjustment, and integration of the comparative cases. Therefore, the principle of comparative approach is the same as the Case Based Reasoning (CBR),

which has emerged as an alternative to rule-based reasoning techniques for the design of knowledge-based systems [12]. The comparative approach focuses on the comparative adjustment of the market price created by the market supply and demand.

The price from the comparative approach is called the comparative price. This price is the weighted average of the adjusted prices derived from the comparative cases which is similar to the condition of target case

The comparative approach estimates the price of target case through comparison, analysis, adjustment, and integration of the comparative cases. Therefore, the principle of comparative approach is the same as the Case Based Reasoning (CBR), which has emerged as an alternative to rule-based reasoning techniques for the design of knowledge-based systems [12]. The comparative approach focuses on the comparative adjustment of the market price created by the market supply and demand.

The price from the comparative approach is called the comparative price. This price is the weighted average of the adjusted prices derived from the comparative cases which is similar to the condition of target case

The comparative approach estimates the price of target case through comparison, analysis, adjustment, and integration of the comparative cases. Therefore, the principle of comparative approach is the same as the Case Based Reasoning (CBR), which has emerged as an alternative to rule-based reasoning techniques for the design of knowledge-based systems [12]. The comparative approach focuses on the comparative adjustment of the market price created by the market supply and demand. The price from the comparative approach is called the comparative price. This price is the weighted average of the adjusted prices derived from the comparative cases which is similar to the condition of target case

In the first instance it is necessary to create database of real estates. There are two possibilities. Database "ad hoc" or second one is general database. In the first case a valuer creates the database for particular valuation at a time. In the second a valuer only selects suitable individuals from general database. Of course, general database must be continuously updated.

Advantages of utilizing the Direct Comparison Approach include:

It reflects market behavior.

It is widely used and understood.

It is accorded greatest weight by the Courts.

It requires the least adjustment if sufficient data is available.

Disadvantages of utilizing the Direct Comparison Approach include:

If inadequate data is available, it may be impossible to apply.

The accuracy of the method depends upon the appraiser's ability to recognize differences and to make the proper adjustments.

It is sometimes difficult to ascertain circumstances surrounding a sale.

The Direct Sales Comparison Approach is based primarily on the Principle of Substitution. The informed buyer would pay no more for a property than the cost of obtaining a comparable, competitive property with the same utility, on the open market, provided there is no undue delay in making the acquisition.

The optimum results from this approach are obtained when good and truly comparable properties are used. The best comparables are those that require the least amount of adjustment. In reaching a final value estimate by the Direct Comparison Approach, the appraiser reviews the adjusted sale prices and selects a single estimate within a value range (not the average of the comparables). This is achieved by evaluation and selection based on knowledge of the sales and the reliability of the adjustments.

Асарларни бадий таҳлил қилиш – бадий таълимнинг асосий қисмидир

Салахидинов Маъсуддин Садриддинович
Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби директори

Аннотация Янгиланаётган Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлақо янги замон кишисини шакллантиришни талаб этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона кадриятларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий руҳда тарбиялаш ҳамда ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларини тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан ҳисобланади

Калит сўзлар. асарлар, бадий таҳлил, бадий таълим.

“Қайси миллат ўз болаларига расм ишлашни худди хат-саводни, ўқиш ва ҳисоб-китобни ўргангандек кунт билан ўргатса, бу миллат фан, санъат ва ҳунармандчиликда бошқа халқлардан ўзиб кетади.”

Дени Дидро

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Уларни Ўзбекистон ва дунё олимлари ҳар томонлама ўрганиб, ил-мий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий ва амалий санъат, дизайн намуналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозирда бадий таълим тизмида меъморчилик, амалий санъат, тасвирий санъат турлари, рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, маҳобатли безак санъати, китобот санъати, миниатюра, шарқ миниатюра мактаблари, дизайн, ҳайкалторошлик ва бошқа турлари ўргатилади. Бундай таълим жараёнида тасвирий санъат, меъморчилик ва амалий санъат турларини бадий таҳлил қилишнинг фалсафий, психологик, астрологик тамойилларини ҳам ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада ҳозиргача тайёрланаётган кадрларимиз тасвирий, дизайн, амалий санъат ва меъморий безак асарларини китоб ўқигандек ўқий олишлари керак бўлади. Бундай вазифаларни бажариш учун эса ўқувчиларнинг бадий тафаккурини ривожлантириш керак бўлади. Бу эса ўқувчи-ёшларимизни руҳиятида маънавий бўшлиқ юзага келишини олидини олади.

Аввалом бор, асарни қайта-қайта диққат билан қуриб чиқиш керак. Барча кузатиш, фикр, таассуротларни, бир қарашда бахсли ва ахамиятсиз кўринсада, ёзиб бориш шарт.

Бадиий асарни тахлил қилиш борасида тайер курсатмалар бериш мумкин эмас: ҳар бир конкрет ҳолда санъат асарига ёндошиш биринчи планга сурилган, муҳим ролни бажарувчи, тарафлари ва бетакрор хусусиятлари бошқаради. Асарнинг бадиий ғоявий бирлиги ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлишда айрим деталларни кўриб чиқишда диққатни жамлаш жуда муҳим.

Асарнинг тури ва жанри хусусиятларидан катъий назар композицияни ўрганиш, ижодкор томонидан бўшлиқ муаммосини ечими, масштаб нисбати, алоҳида элемент ва элементларни жойлаштирилиши, уларнинг уйғунлиги ва муҳимини кўрсата билиш, ғоявий акцентларни тўғри қўйиш тахлил негизи ҳисобланади. Композицияда тасодифий нарса йуклиги, ҳаммаси асарнинг бош ғоясига бўйсундирилиб уни образли ифодалашга ёрдам беради. Ижодкор нима учун композицияни айнан шундай кўрган ва у асар мағзини ёритишга қандай ёрдам беради деган саволга жавоб бериш даркор.

Энди дизайн соҳасидаги ижод намуналарини ҳам бадиий тахлил қилиб кўрсак, қуйида ўқувчи томонидан тайёрланган болалар ётоқ мебелани композицияни, ижодкор томонидан бўшлиқ муаммосини ечими, масштаб нисбати, алоҳида элемент ва элементларни жойлаштирилиши, уларнинг уйғунлиги ва муҳимини кўрсата билиш, ғоявий акцентларни ўрганишга ҳаракат қиламиз.



Янги ой, ҳиллол. Ислом динининг ифодаси. Муслмонлик рамзи ҳисобланади. Айлана. Олам, бахт, қуёш, абадийлик инсонларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.

Беш қиррали юлдуз. Ҳаётни қисқалигини, беш кунлик дунё, исломнинг беш устунни.

Барг. Баҳорги ўйғониш.

Яшил ранг. Она табиат, ислом рамзи.

Япроқ-бойлик ва фаравонлик.

Барглар иккита бўлиши.- жуфтлик рамзи

-Ердан ва осмондан келадиган ёмонликлардан ҳимоя

Кўз тасвири - кўз тенгмасин деган маънода.

Япроқ - Бойлик ва фаравонлик. Фарзанд учун ота-она энг катта бойлик, фаровонлик ҳисобланади.



Поғонлар сони 24та - фарзанд 24 ёшга етганда мустақил бўла бошлайди
Поғона елкаларининг кичрайиб бориши – фарзанднинг ёшлик чоғода ота-онасига кўпроқ таяниши, улғайган сари ота-онасига таяниши камаёиб боради.
Новда - мухаббат рамзи.

Гуллар 12та йилнинг ҳар бир ойи,

Панжаранинг 7та устуниси – фарзанднинг етти мучали соғ бўлиши 7мучал бу 84 йил, 84 йил бу 1000ой

Қизил ранг - Ғалаба, олов, илиқлик, хурсандлик, шодлик, қон.

Оқ ранг. Поклик, озодлик, ёруғлик, бахт, омад рамзи.



Энди ганчдан тайёрланган интерер жиҳозини таҳлил қилиб кўрсак, бу ердаги икки айлана жуфтлик рамзи бўлиб, оила қуриш, тўй, хурсандчилик рамзи.

Айлана. Олам, бахт, қуёш, абадийлик инсонларни ёвуз ниятидан қайтариш рамзи.

Жингала. Бахт– иқбол, гўзаллик.

Анор. Осойишталик ва умр узоқлиги.

Барг. Баҳорги ўйғониш.

Олов. Ғолиблик, улуғворлик.

Ромб. Аёл яъни она ер, серфарзандлик.

Тўлқин чизиқ - ҳаётни нотекислиги, ойни ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғуликлиги.

Новда. Мухаббат.

Оқ ранг-Тозалик, ёруғлик, бахт ва омад рамзи.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятнинг такроран содир этганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари

Худаёров Ғиёс Ифтихорович ТДЮУ магистранти

Шахсининг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши жиноят ҳуқуқи назариясида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Чунки бир неча жиноят содир қилган шахсининг ва жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ортади. Икки ёки ундан ортиқ жиноят содир қилган субъектнинг шахсида жиноятчига хос бўлган хусусиятлар янада кўпроқ мустаҳкамланиб боради. Уларни ижтимоий хавфли хусусиятлари турғунлашиб, бундай салбий сифатларни хавфлилиқ даражаси ҳам борган сари ортиб боради.

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёридаги ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи яна бир ҳолат – унинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши учун ЖК 167-моддасининг 2-қисми “б” бандида жавобгарлик белгиланган.

Такроран содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси бир марта ёки битта қилмишни содир этганликка нисбатан юқори бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида унинг тушунчаси баён қилинган. Унга мувофиқ “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади”.

Жиноят такроран содир этиш деганда, бир хилдаги икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиш назарда тутилади. “Такроран” сўзи бир ҳаракатни икки ёки кўп марта қайтадан содир этишни англатади. Қасддан жиноят содир этган шахсининг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми “н” бандига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори 2-банди 3-хатбошисига кўра: “Жиноятлар такроранлиги деганда, қонунга кўра, шахс томонидан турли вақтларда қасддан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилиб, бунда содир этилган жиноят:

Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса;

Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган бўлиши, башарти ушбу моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса (масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) шарт.

Жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс томонидан қасддан Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддаларида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши ҳам такроран жиноят деб топилади (масалан, ЖК 118, 119, 189, 211, 212-моддалари иккинчи қисмлари, 213-моддаси учинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми)⁴⁹.

Шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни турли вақтларда содир қилиб, айбдор шу жиноятларнинг бирини охирига етказган, бошқаси тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўxtатилган тақдирда, шунингдек, у жиноятлардан бирини айбдорнинг бир ўзи бошқа ҳолда иштирокчиликда содир этган тақдирда ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Аммо юридик адабиётларда бу масалада турли фикрлар билдирилган. Жумладан М.Мукумова ва М.И.Ткаченколар шахс бир хил жиноятларни турли вақтларда содир қилиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилганлик учун ёхуд иштирокчиликда содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилган тақдирда жиноятлар мажмуи деб ҳисоблаш керак⁵⁰, - деб ҳисоблайдилар. Биз Б.Матлюбовнинг ушбу ҳолда жиноятлар такроран жиноят содир этиш деб топилиб, такроранлик квалификация қилиш белгисига кўра, битта модда орқали жазо тайинланиши лозим⁵¹, деган фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки М.Мукумова ва М.И.Ткаченконинг фикрлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32 - моддасининг 1-қисмига зид ҳисобланади.

Масалан, шахснинг биринчи ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган тамом бўлган жиноят бўлса, иккинчиси 167 моддаси 1-қисмига суиқасд қилиш босқичида тўxtатилган бўлса, қилмиш такроран содир этилган, деб топилади. Айбдорнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан квалификация қилиниб, жазо тайинланади. Бундай ҳолда айбдорга нисбатан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Ушбу қилмишлар учун жиноятлар жами тариқасида жазо тайинланганда, қилмиш унча оғир бўлмаган жиноятни ташкил қилади. Қилмиш такроран содир этилган деб квалификация қилинганда эса оғир жиноятга айланади. Бу эса, такроран жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан, жиний ниятнинг барқарорлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиний жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган,

⁴⁹ <https://www.lex.uz/docs/1600001>

⁵⁰ Мукумова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – Б. 42.; Ткаченко М.И. Множественность преступлений. Уголовное право Российской Федерации. – М.: Юристъ. 1999. – 278 с.

⁵¹ Матлюбов Б. Жиноят ҳуқуқида реал мажмуа тушунчаси ва унинг белгилари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2002. – № 3-4. – Б. 55-57.

судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек ЖК 65, 66, 66¹, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас⁵².

Демак, шахс аввалги жинояти учун ЖК 65, 66, 66¹, 68-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, такроран жиноят содир этиш ёки жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди.

Айбдор томонидан содир этилган битта қилмишда такроранлик билан бир қаторда Жиноят кодексининг мазкур моддаси бошқа қисмларида кўрсатилган квалификация белгилари мавжудлиги аниқланган ҳолларда қилмиш қуйидагича квалификация қилиниши керак:

1) агар шахс томонидан ўзлаштириш ёки растрата қилиш содир этилганда унинг ҳаракатларида Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмида кўрсатилган такроранлик белгиси билан бирга ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа квалификация белгилари мавжуд бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмидаги тегишли бандлар билан квалификация қилиниши керак;

2) агар айбдорнинг ҳаракатларида Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмида кўрсатилган такроранлик белгиси билан бирга ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган бошқа квалификация белгилар мавжудлиги аниқланса, қилмиш фақат Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ шахсни ўзганинг мулкини ЖК муайян моддасининг турли қисмларида назарда тутилган талон-торож жиноятини содир этишда айбдор деб топганда, унинг ҳаракатлари ЖК тегишли моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши лозим ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этилмайди (масалан, жиноят ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан, шу жумладан жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1 ва 2-қисмлари билан қўшимча квалификация талаб этилмайди)⁵³.

Суд-тергов амалиёти таҳлили давомли ўзлаштириш ва растратани такроран ўзлаштириш, растрата қилишдан фарқлашда хатоликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарориди “Судларнинг жиноий қилмишни

⁵² <https://www.lex.uz/docs/1455976>

⁵³ <https://www.lex.uz/docs/1443984>

маъмурий ҳуқуқбузарликдан, давомли талон-торож қилиш жиноятини такроран содир этилган талон-торож жиноятдан баъзан фарқлай олмаётганликлари асослантирилмаган қарорлар чиқарилишига сабаб бўлмоқда” – деб таъкидланган⁵⁴.

Такроран жиноят содир этишни давомли жиноятлардан фарқлаш лозим. Такроран жиноят содир этиш давомли жиноятларга қараганда, ижтимоий хавфли ҳисобланади⁵⁵. Давомли жиноятлар – бир қатор ўхшаш ёки бир хил ҳаракатлардан ташкил топадиган, ягона қасд билан қамраб олинган ва битта умумий мақсадга эришишга йўналтирилган бир марталик жиноятлардир. Такроран содир этилган жиноятлар эса икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятлардан иборат бўлади ва айбдорнинг нисбатан юқори ижтимоий хавфлилиги ва жинойий ниятларининг барқарорлигини ифодалайди. Давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг алоҳида актлари, улар мустақил жиноят характериға эға бўлмаса, мустақил квалификация қилинмайди; ўзининг йиғиндисида бир марталик жиноят сифатида қаралади. Мисол учун, корхона раҳбари амалда умуман ишламаган шахсни ишчи-ходим сифатида расмийлаштирган, унга ойлик маош ҳисоблаган, ведомостларға сохта имзолар қўйиб, ойлик маошини раҳбарнинг ўзи бир неча ой ёки йил давомида олиб юрса, унинг қилмиши давомли ўзлаштириш ҳисобланади. Агар корхона раҳбари амалда умуман ишламаган бир неча шахсларни ишчи-ходим сифатида турли вақтларда расмийлаштирган, уларға ойлик маош ҳисоблаган, ведомостларға сохта имзолар қўйиб, уларнинг ойлик маошларини раҳбарнинг ўзи бир неча ой ёки йил давомида олиб юрса, унинг қилмиши такроран ўзлаштириш деб баҳоланади.

Давомли талон-торож қилиш деб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадға йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил этувчи бир-бириға ўхшаш бир неча жинойий қилмишлар билан ўзганинг мулкини қонунға хилоф равишда ўрнини қопламасдан эғаллаб олиш тушунилади.

Давомли жиноят биринчи жинойий акт амалға оширилган пайтдан бошланади ва охиргиси билан тугалланади. Мазкур ҳолатға, яъни бир хил бўлса-да, бир қанча алоҳида ҳаракатларнинг амалға оширилишиға қарамай, у ягона жиноят деб топилади. Давомли жиноят бир неча хатти-ҳаракатларнинг охиргиси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган, деб ҳисобланади. Шу сабабли жиноят қонунига бу қилмиш учун жазони кучайтирадиган ёки шахсининг аҳволини бошқача тарзда оғирлаштирадиган ўзгартишлар киритилганда, агар жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмаганда биттаси янги таҳрирдаги қонун амал қила бошлаган даврда содир этилган бўлса, давомли жиноятларнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши керак. Худди шунға ўхшаш давомли жиноятнинг ҳеч бўлмаганда биттаси

⁵⁴ <https://www.lex.uz/docs/1454894>

⁵⁵ Мукумова М. Такроран жиноят содир этиш тушунчаси // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2001. – № 5. – Б. 61.

амнистия акти чиққандан кейин содир этилган бўлса, шахсга нисбатан амнистия акти қўлланилмайди.

Давомли жиноятлар жиноий фаолият тўхтатилган вақтдаги натижага қараб квалификация қилинади. Давомли жиноятда муайян жиноий натижага қаратилганлиги сабабли, бу натижага эришилмаган тақдирда, суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Ишониб топширилган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилаётган шахсларнинг бири бундай жиноятни такроран содир қилган ёки олдин судланган шахс бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, содир этилган жиноятларни тўғри квалификация қилиш аввало, жиноятларни оғирлаштирувчи ҳолатларини, белгиларни тўғри аниқлашга боғлиқдир. Содир этилган жиноят учун тўғри ва адолатли жазо тайинлашнинг бош мезони қилмишни тўғри квалификация қилиш ҳисобланади.

Ажиниёз Қосибой ўгли ижодида тасаввуф таълимотининг ўрни

Ж.К.Таспанова

Қорақолпоқ Давлат Университети эркин тадқиқотчиси

Резюме: Ушбу мақолада сўфизмнинг диний йўналиши баён етилган. Бу мақолада Ажиниёз шоирнинг дунёга кўзқараши акс эттирилган. Шоир тасаввуф таълимотининг йирик вакили, ўзига хос тариқат (йўл) асосчиси Хожа Ахмад Яссавийнинг фаолиятини юқори баҳолагани ҳақида айтилган.

Таянч сўзлар: Сўфизм, таълимот, оламни яратилиши, муваффақият, шариат, ориф.

Аннотация: В этой статье рассказывается о религиозном направлении суфизм. Эта статья отражает мировоззрение поэта к миру. Было сказано, что поэт высоко оценил творчество великого представителя учения суфизма, основателя особой секты Ходжи Ахмада Яссави и успешно прошел все четыре стадии, связанные с суфизмом.

Ключевые слова: суфизм, учение, сотворение Вселенной, успех, шариат, ориф.

Annotation: This article describes the religious direction of Sufism. This article reflects the poet's world view of the world. It was said that the poet highly appreciated the work of the great representative of Sufism, the founder of a special sect, Khoja Ahmad Yassawi, and successfully passed all four stages associated with Sufism.

Key words: Sufism, teaching, creation of the Universe, success, sharia, orif.

Шоир тасаввуф таълимотининг йирик вакили, ўзига хос тариқат (йўл) асосчиси Хожа Ахмад Яссавийнинг фаолиятини юқори баҳолаб, унинг сўфизмга тегишли тўрт босқични ҳам муваффақиятли босиб ўтганлигини, шайхнинг ўтмишдаги орифлар яратган мерослар мазмунидан лаззат олиб, ўзини бахтиёр сезган ҳолда худо дийдорига ошиқ бўлганини, шу ютуқлари орқали халқнинг назарига тушиб, ҳурмат-иззатга эга бўлган ҳолатларни:

Туркистонда Хожа Ахмад Яссавий,
Ўзи олим, сўфийликдан кўрган саъй,
Тариқат, маърифат, йўли ҳақиқий,
Лаззатли ҳикоят тутган демишлар. [3]

- деб баён қилган эди.

Ажиниёз Хожа Ахмад Яссавийнинг сўфийлик таълимотига мағзини чакқани, унга ихлос қўйганлиги яққол сезилади, унинг барча фалсафий қарашларини мукамал илғгани, бу таълимотни мўмин-мусулмонларда инсонийлик фазилатларини шакллантириб, ривожлантиришда восита тарзида қўллаганлигини, ўзининг бу ишларидан унинг баҳра олиб, ҳиссий идрокда лаззатланиб бахтиёр онларни яшаганлигини катта қизиқиш билан баён қилади.

Сўфизм таълимотида орифлик (ориф) алоҳида ўрин эгаллайди. Ориф худони таниган, билган ва ҳақ маърифатини етук эгаллаган, Оллоҳ сифатларини қабул қилган, ўз борлиғидан чиқиб, ҳақ борлиғига эришишга муяссар бўлган одам. Орифлар хато қилмайди, адашмайди, элни доимо тўғри йўлдан олиб чиқадиган одамлар. Шоир орифлардаги шу натижаларни инсонлар

жамиятида қўллаш тарафдори бўлиб, ижтимоий ҳаётни орифлар донолиги билан бошқаришни ўйлади.

Мутаффаққир дунёқарашича, фақат у дунёдагина эмас, балки бу дунёнинг ишларида ҳам адолатли, инсонпарвар ҳукм юритиш ишларини ориф одамлар, улуғ алломаларгина тўғри ташкил қила олади. Сабаби, улар инсонларнинг икки дунёдаги вазифалари нималардан иборатлигини яхши билади. Шунга кўра шоир, ҳукмдорлар орифлик даражасига эришмаган бўлса ҳам, орифларга яқин билим эгаллаб, элга донолик билан бошчилик қилиши фикрини илгари сурди. Эл бошчилари: «Ориф каби тўғри йўлни бошласа» [1:67] инсонлар фаровон турмушга эришиб, барча мўмин-мусулмонлар ўз ўринларига, мартабаларига эга бўлиб, тинч ҳаёт кечирришга эришади («Кўрдик»), одамларнинг у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам обод бўлади, деб тушунди. Ана шундай мазмунда эл бошқариш ишлари олиб борилса, элнинг одамгарчиликка эга, иймонли, мўмин одамларга тўлиқ бўлишини кўз олдига келтириб, «Унганини ақл ва ўй билан кўриш мумкин» [1:67] бўлади деди. Орифлар элнинг аҳволини яхшилаш имконига эга. Сабаби улар Ҳақ таолонинг ўзи билан машғул бўлиб, халқни ҳол илми мазмунини билишга чақирувчилар. Орифлар илми ҳол – илми тасаввуф сирларини етук билувчи одамлар. Шоир ана шундай орифликка эришган, илм сирларини етарли даражада ўзлаштирган уламо-олимларнинг қорақалпоқ юртида кўп бўлганини «Бордир» номли шеърда: «ориф бўлиб ҳақ йўлига эришган, Муршид-у мукамал пирлари бордир» - [2:39] деб ёзган эди.

Илми – тасаввуфга доир қоидаларни гоҳида диндорлар эҳтиёт қилмай, уни дунёвий ақидага алмаштириб ҳам юборишларини, худо билан дийдор кўришиш учун интилишларини охиригача етказолмай, ҳол илмига тегишли зарур қоидаларни бузиб юбориш ҳолатларининг ҳам гоҳ-гоҳида учраб туришини:

Оқшомида дийдор кутиб ётибдур,

Илми ҳал(ҳол)ни илми қал(қол)га сотибдур» - [2:109]

деб, айрим тасаввуфчиларнинг илми ҳал(ҳол)ни, яъни худони ўрганувчи тасаввуф таълимотини реал билимларни ўрганувчи илми қал(қол)га алмаштириб юбориш ҳолатларининг ҳам учраб туришини айтган.[4] Шу орқали Ажиниёз сўфийларнинг «ётса-турса, ҳаттоки ухласа ҳам эсида бир нарса – дийдор кўриш, яъни ҳақ дийдорига эришиш тилаги туришига»[5] қарамасдан ҳаётий реал илмларни ўрганишга, бу илмга аҳамият бериб қарашга диққат қаратганини баён қилган эди.

Ажиниёз таянган сўфийлик талимотида инсонларнинг юриш-туриши, феъл-атвори комил инсон даражасида шаклланиши назарда тутилган. Инсоннинг худога такая қилиб, зийрак яшаши, ўзининг иш-ҳаракатларини назорат қилиб бориши, билиб-билмай қилган гуноҳларини ёдида сақлаб, уни ювиб, покланиш учун савоб ишлар қилиши, халқини, элини ардоқлайдиган, ўзини худо ва халқ олдида даҳлдор сезиб яшаши, сабр, фаросатли бўлиб, эркини маҳкам ушлаши, замонининг қандай кечаётганидан хабардор бўлиб, унга ўзини маънавий жавобгар сезиши талаб қилинар эди.

Маърифат сўфизм таълимотида комил инсонни тарбиялаш етакчи омили, амалий ва муаммолар, инсон тавбага келиб, ўзини ўзи поклаши, моҳият-

Ўзликни англаши, ёвузлик ҳамда разолатдан сақланиши алоҳида усуллари сифатида поэтик талқин қилинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Өжинияз. Таңламалы шығармалары. Нөкис. ҚҚМБ. 1960. 180 бет.
2. Өжинияз. Таңламалы шығармалары. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1988. 152 бет.
3. Өжинияз. Демишлер. // Газ. Қарақалпақстан жаслары. 1997. 9-октябрь.
4. Ө.Өлеўов. Өжинияз ҳол хэм қол илимлери ҳаққында // Өжинияздың 190 жыллық юбилейине бағышланған Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Нөкис. НМПИ. 2014. 19-20 - бетлер.
5. Қ. Жәримбетов. Ашық Зийўар. Нөкис, «Билим», 1998. 23- бет.

EDUCATIONAL WORK OF PRIMARY EDUCATION

Sobirjonova Nodirabegim Hayotillo kizi

Andijan State University

The changes in the social life of our country, changes in the field of education make the problems of spirituality, morality and ethics especially urgent. A different and modern strategy for the development of the Russian school is becoming: in its center is the formation of a spiritually rich, highly moral, educated and creative personality. The most important functions of the school are being restored - upbringing and educational and ethnocultural, the emphasis in teaching is transferred from an increase in the amount of information to cognition, upbringing and development.

All that has been said is taken into account in the state educational standards of general education of the second generation, namely in the “Concept of spiritual and moral development and education of the personality”.

Teachers who carry out direct educational activity in classes or at schools for children or pupils with special educational needs may obtain their qualification in the same way as other teachers of the given educational level and extend it through a Bachelor's degree, specialising in special educational needs or through a lifelong learning study programme with the same focus. In the case of the first and the second stage of special basic school, teachers may obtain a qualification in a Master's study programme specialising in special needs pedagogy for teachers.

Teachers at nursery schools may qualify by studying special needs pedagogy at a higher education institution (studying programme focusing on the pre-school age also exists), however, a graduate of special need pedagogy differently specialised can teach in the nursery as well).

At the central level, the content of future teachers' training is determined by the Ministry of Education, Youth and Sports. The instruction follows the school education programmes created according to the Framework Education Programme for the educational field Pedagogy of Pre-School Education and Extra-Curricular Activities. The timetable includes general subjects – e.g. Native language, a foreign language, mathematics, social sciences education, natural sciences education, aesthetic education, health education, ICT education and physical education, and vocational education such as economy training, pedagogy and psychology, didactics of pedagogical activities (aesthetic and emotional education of children, fine arts, music education, music movement education, word and film art education, drama education etc.). The minimum number of weekly lessons for the whole period of education is 128, with a maximum of 140 lessons. The minimum number of lessons in the week is 29, the maximum is 35. The framework timetabling of the curriculum also contains a minimum number of 26 available lessons that help create the school's profile, strengthen lesson allowances in individual educational areas, support interest orientation of pupils or extend another foreign language tuition. Practical school

placement with the minimum length of 10 weeks during the whole period of study and a teaching practice with the minimum length of 7 weekly lessons during the whole period of study are a compulsory part of the curriculum.

Tertiary professional decide on the content of their courses independently. The educational programme is subjected to accreditation of the Ministry of Education

The content of the higher education is in the competence of **higher education institutions**; however, it is subject to accreditation according to the Higher Education Act (within the institutional accreditation or in the form of the accreditation of a study programme granted by the National Accreditation Bureau for Higher Education). As a regulatory tool of the Ministry of Education, Youth and Sports, methodological material for assessment of higher education study programmes has been created, whose graduates will acquire the professional qualification of education staff.

The content and scope of the curriculum of special needs training for teachers in classes or schools for children, pupils or students with special educational needs (with disabilities) varies according to the type of a higher education institution and the type of study. Compulsorily or optionally, it includes basic courses in pathopsychology, paediatrics, psychiatry, neurology, and in individual fields of special needs pedagogy (etopaedia, logopaedia, surdopaedia, tyflopaedia, psychopaedia, and somatopaedia). Students can sometimes opt for a narrower area of specialisation. The curriculum generally also includes practical training in special classrooms/schools or at special needs facilities, and/or clinical training. The study for the 1st stage of basic schools oriented on special needs pedagogy also includes vocational basics and the teaching methodology for educational areas of the 1st stage. The study for the 2nd stage oriented on special needs pedagogy presupposes the concurrent study of one of the general subjects.

REFERENCES

1. Extracurricular activities at school: [Video lecture]. Access mode: [<http://vosprabota.shko.la/fgos>].
2. Extracurricular activities and the system of educational work in primary school. Access mode: [<http://www.tiuu.ru/content/pages/228.htm>].
3. Educational work. Access mode: [<http://vosprabota.shko.la/fgos>].
4. Lesnov, A.A. Pedagogical conditions for the formation of professional competence of a future primary school teacher to work in children's health camps / A. A. Lesnov, V. P. Kovalev // Humanities and education. - 2014. - 3 (19). - P. 32-36.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишлари

Султанова Халида Турсунмуратовна Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий
фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

kholida.sultanova.55@mail.ru

Турсунходжаева Лейла Тимуровна

tursunkhodjaeval01@mail.ru

Абдуғаффорова Ферузахон Музаффаржон кизи

abdugaffarova2001@mail.ru

Тошкент тиббиёт академияси Даволаш факультети талабалари

Аннотация. Ушбу тезисда мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва пандемия шароитида қўллаб-қувватлаш учун олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинган ҳуқуқий асослар ўрганилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва тадбиркорлик, пандемия, ЯИМ, саноат, қурилиш, бандлик.

Кириш

Мамлакатнинг ривожланганлик даражасидан қатъий назар тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашнинг, мамлакат ижтимоий фаровонлигини оширишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлиш билан бирга, ЯИМни сифат ва миқдор жиҳатдан оширишнинг асосий воситасига айланди. Шу мақсадда бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [3] ва бошқа шу кабилар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тадбиркорларни ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналишни ўз ичига олган Дастур тасдиқланди ва унда 33 та аниқ чора тадбирлар белгиланди.

Биринчи йўналишда - тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш;

Иккинчи йўналишда - хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жинойят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

Учинчи йўналишда - барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб таомилларни янада соддалаштириш;

Тўртинчи йўналишда - хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилашга доир тадбирлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ эса ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ўрнатилди ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини татбиқ этилди.

Асосий қисм

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 53,9 фоизни, саноатдаги 27,5 фоизни, қурилишдаги 72,4 фоизни, бандликдаги улуши 73,8 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, (умумий ҳажмга нисбатан % да) [4]

Йил	ЯИМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик
2000	31,0	12,9	38,4	49,7
2005	38,2	10,0	50,9	64,8
2010	52,5	26,6	52,5	74,3
2015	62,9	40,6	66,7	77,9
2016	64,9	45,3	66,9	78,2
2017	63,4	41,2	64,8	78,0
2018	60,4	37,4	73,2	76,3
2019	54,2	25,8	75,8	76,2
2020 (январ-декабр)	53,9	27,5	72,4	73,8

Иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир қилгани каби коронавирус пандемияси мамлакат тадбиркорлари фаолияти ва даромадига ҳам жиддий талофатлар етказди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [5] қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2020 йилнинг 1

майидан 1 июлигача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилди, Давлат солиқ хизмати органлари 2020 йил 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ўтказиш бўйича инкассо топшириқномаларини чақириб олинди.

2021 йилги давлат дастурига оид президент фармонида кўра, қуйидагиларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди:

- туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган ер ва мол-мулк солиғини тўлаш бўйича имтиёзларга оид 20 мингта тадбиркорлик субъектининг 2020 йил якунига қадар кечиктирилган 400 миллиард сўмни қайтариши;

- президентининг 2020 йил 19 мартдаги [ПФ-5969-сон] фармонида назарда тутилган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш, шунингдек солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилишига чеклов (2020 йил 31 декабрь ҳолатига мавжуд солиқ қарзга нисбатан);

- президентининг 2020 йил 3 апрелдаги [ПФ-5978-сон] фармонида назарда тутилган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза бермасдан туриб солиқ органларини хабардор қилган ҳолда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби;

- «хуфиёна иқтисодиёт» улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда «тахлика-тахлил» тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ аудити ўтказилишига мораторий [6].

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва пандемия даврида қўллаб-қувватлаш натижасида иқтисодиётда соҳа ва тармоқларида, мамлакат ижтимоий ҳаётида қуйидагилар ўзгарди:

- Жаҳонда глобал пандемик инқироз юз бераётган бир даврда мамлакат ЯИМ, саноат ва қурилиш таркибида тадбиркорликнинг улуши 2019 йилга нисбатан 2-3 фоиз атрофида камайди;

- микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган имтиёзлар натижасида мамлакатдаги тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тугатмасдан, балки қисқа муддатли танаффусдан сўнг давом эттириш имконига эга бўлди;

- энг муҳими шундаки, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиёти учун қийин бўлган даврда аҳоли бандлигидаги улушини сақлаб қолишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/31846>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ПФ-4725-сон. 2015 йил 15 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://uza.uz/uz/posts/tadbirkorlik-faoliyati-va-zini-zi-band-ilishni-davlat-tomoni-08-06-2020>
4. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. ПФ-5996-сон 18.05.2020. <https://lex.uz/docs/4815474>
6. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/18/privilege/>

Diagnostics and new treatment methods.

Kholiqov A. A.

Samarkand state medical institute.

***Abstract:** Improper treatment of a fracture of the lower jaw can lead to the development of a number of complications, such as a defect in the jaw bone, incomplete fixation of fragments of the fracture, inflammatory diseases of the jaw and surrounding soft tissues, and subsequent aesthetic defects. Complications that may result from the use of osteoplastic materials at the fracture site during treatment can be eliminated.*

***Keywords:** lower jaw fractures, micro-screw, mini-plates, osteosyntes.*

The lower jaw is the only cartilaginous bone involved in the chewing of the facial skeleton. Fracture of the lower jaw, this is a violation of the integrity of the lower jaw as a result of various influences. As a result of a factor that strongly affects the lower jaw, that is, the degree of violation of the integrity of bone tissue, bone integrity is impaired, the lower jaw is observed. Facial skeletal bone fractures account for 3% of all body skeletal fractures. The skull, face-jaw is the lower jaw, accounting for 80% of the bone cavities. Fractures of the lower jaw face-jaw bone fractures 79.6% accounting for E.A. Alexandrova, M.A. Livi and accounting for 70.0% of E.I. Kyasper, according to M.V.

According to the literature presented below, fractures of the lower jaw make up 77-90% of facial skeletal injuries. Degree of fracture in the lower jaw according to the location of the fracture line. Lore T.M., 1975 according to the data of 4,9% in the dexan (jaw) socket, the pile of the lower jaw in the tooth socket-12,9%, the premolars of the lower jaw in the tooth socket-11,8%, the lower jaw in the socket -37,4 %, total 67% in the lower jaw socket, while the fracture of the lower jaw in 33%, in the lower jaw.

Pathogenesis:

Lower jaw fractures can be broken from two or more places along the bone (weak lines), depending on the non-shock points of the bone tissue. Lower jaw pathological fracture, this is the tumor tissue of the bone, the damaged part of chronic osteomyelitis, fibrosis ostitis, cyst, where bone cortical plate is thin and not resistant to the impact.

Clinic:

When the lower jaw, the patient complains mainly of pain in the area of the fracture, pain and limitation of the opening of the mouth, if there is an open fracture of the lower jaw, that is, a violation of the integrity of the surrounding tissues, or if there are cases of fracture from the patient complains of tooth decay, swelling of surrounding tissues. In the case of injuries of the lower alveolar-mental nerves in the lower jaw of the patient there is a decrease or violation of sensitivity in the same places. In the case of fractures of the lower jaw located on joint, patient complains of swelling, pain, complete opening of the mouth at the area of parotid area. Patients with the lower jaw displaced fractures deformation is observed. Their complains of incorrect pronunciation, an increase in salivation. Patients with a fracture of the lower jaw-vascular tumor complain of a violation of articulation.

Treatment.

Treatment of lower jaws is carried out by applying general and local therapy.

1. Local treatment-this is the treatment of broken part. Local treatment of fracture foci is carried out by orthopedic (conservative) and surgical means. To the method of orthopedic treatment, the lower jaw is performed by inserting a tire. With this we achieve reposition, fixation, immobilization of broken pieces. If the tooth is located on the fracture line, the same dental caries can not be restored as a result of its anatomical and functional condition, it is still performed before the procedure of tooth extraction. Tigrshted tire it is widely and massively used in the lower jaw. Swelling is carried out by laying aluminum wires on the upper and lower jaws of the upper part of the teeth. In case of a linear fracture of the alveolar bone is carried out to put the tire scuba (the same as the composition of the loops as the tire scuba Tigrshtedtirealuminum). Putting on tires has a number of specific disadvantages. Of these, a violation of the order of proper nutrition in patients(which in turn leads to a violation of the metabolism of the organism, a slowing of the regeneration process in the cartilaginous bone tissue), a violation of pronunciation, a violation of the oral cavity at the time of laying the Shin in patients, as a result of which secondary diseases of the by choosing a modern method of treatment and Prevention of lower jaw without putting on tires , preventing the above cases, the implementation of fixation of broken pieces with the help of titanium-containing micro-screw and miniplates was launched.

PROEKTORSIZ ALGEBRALAR HAQIDA.

Rahimov A.A. Xurramov A.X

M.Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti, Toshkent, O'zbekiston. rakhimov@ktu.edu.tr,
xurramovaziz7@gmail.com

Algebrani proektorsiz algebra deb ataymiz, agar unda 1 (agar mavjud bo'lsa) va 0 dan boshqa proektorlar mavjud bo'lmasa. Bir vaqtlar proektorsiz oddiy C^* -algebralari mavjudmi yoki yo'qmi degan savol ochiq edi. Shu xossaga ega C^* -algebralari mavjudmi degan muammoni ilk bor 1958-yilda Irving Kaplanskiy tomonidan o'rtaga tashlangan edi. Bunday ilk misol esa 22-yil o'tib, 1981-yilda Bryus Blekadar tomonidan nashr etilgan (qarang: [1], [2], [3]). Unda proektorsiz, oddiy, separabel, yadroli, birlik elementi bo'lmagan C^* -algebra qurilgan.

A – kompleks Banax $*$ -algebra bo'lsin. Agar ixtiyoriy $a \in A$ uchun $\|aa^*\| = \|a\|^2$ shart bajarilsa, A ga C^* -algebra deyiladi. H – kompleks Hilbert fazosi va $B(H)$ algebra esa H da aniqlangan barcha chiziqli chegaralangan operatorlar algebra bo'lsin. $M \subset B(H)$ – $*$ -qism-algebra bo'lsin.

Agar $p \in M$ operator uchun $p^2 = p = p^*$ bo'lsa, u holda p proektor deyiladi.

$$M' = \{a \in B(H): ba = ab, \forall b \in M\}$$

to'plam M ning komutanti deyiladi. Agar $M = M''$ bo'lsa, u holda M ga fon Neyman algebra bo'lsin deyiladi. Bikomutant teoremasiga ko'ra har qanday fon Neyman algebra W^* -algebra bo'ladi, ya'ni $1 \in M$ bo'lib bu algebra kuchsiz topologiyaga ko'ra yopiq bo'ladi. Buning teskarisi ham to'g'ri. Shuning uchun W^* -algebralari fon Neyman algebra bo'lsin deb ham ataladi.

Endi birlik elementli $R \subset B(H)$ haqiqiy $*$ -qism-algebra kuchsiz topologiyaga ko'ra yopiq va $R \cap iR = \{0\}$ bo'lsa, bu algebra haqiqiy W^* -algebra deyiladi. R ni o'z ichiga olgan eng tor (kompleks) W^* -algebra uning kompleksifikatsiyasi deyiladi, va tushunarliki bu algebra $M = R + iR$ ga tengdir. Agar A haqiqiy Banah $*$ -algebra uchun $\|aa^*\| = \|a\|^2$ shart bajarilib, har $a \in A$ uchun $1 + aa^*$ element teskarilanuvchi bo'lsa, A ga haqiqiy C^* -algebra deyiladi.

Maqolaning asosiy natijalari quyidagicha

Teorema 1. Proektorsiz haqiqiy C^* – algebralari mavjuddir.

Teorema 2. Proektorsiz (kompleks va haqiqiy) W^* – algebralari mavjud emas, ya'ni har qanday W^* – algebraning har doim 0 va 1 lardan boshqa proektorlar mavjuddir. xattoki, W^* – algebraning proektorlar to'plami yetarlicha boydir.

Darhaqiqat, $M \subset B(H)$ ixtiyoriy (kompleks yoki haqiqiy) W^* -algebra bo'lsin. Biz ixtiyoriy nol bo'lmagan $\xi \in H$ vektorini olamiz va $e_\xi: M \rightarrow \overline{M'\xi}$, kabi proyeksiyalash operatorini qaraymiz. U holda $e_\xi \in M$, ya'ni bu operator M ning proektoridir, Chunki, $\forall x \in M'$ va $\forall \eta \in H$ uchun quyidagi tengliklar o'rinlidir:

$$(e_\xi x(\eta), \xi) = (x(\eta), e_\xi(\eta)) = (x(\eta), e_\xi(1\xi)) = (x(\eta), \xi) = (\eta, x^*(\xi)) = (\eta, e_\xi x^*(\xi)) = (e_\xi(\eta), x^*(\xi)) = (xe_\xi(\eta), \xi),$$

shuning uchun $e_\xi x = xe_\xi$. Bu yerdan $e_\xi \in M''$ bo'lib $e_\xi \in M$, chunki $M'' = M$.

Adabiyotlar

- [1] B. E. Blackadar. *A simple C^* -algebra with no nontrivial projections*. Proceedings of the American Mathematical Society, Vol. 78, **4**, (1980), 504–508.
- [2] B. E. Blackadar. *A simple unital projectionless C^* -algebra*. Journal of Operator Theory. Vol 5, **1**, (1981). 63–71.
- [3] Kenneth R. Davidson. *IV.8 Blackadar’s Simple Unital Projectionless C^* -algebra”, C^* -algebras by Example*. Fields Institute Monographs, **6**, American Mathematical Society, 124–129.
- [4] Llosten Kaonga. *Projectionless C^* -algebras*. Proceedings of the American Mathematical Society, Vol. 130, **1**, (2001), 33–38.
- [5] Sh. A. Ayupov, A. A. Rakhimov, Sh. M. Usmanov. *Jordan, Real and Lie Structures in Operator Algebras*. Kluw.Acad.Pub.,MAIA. Vol 418, (1997), 235p.
- [6] A.A.Rakhimov, M.E.Nurillaev. *On property of injectivity for real W^* -algebras and JW -algebras*. Positivity, **22**, (2018), 1345-1354.
- [7] Sh. A. Ayupov, A. A. Rakhimov. *Real W^* -algebras, Actions of groups and Index theory for real factors*. VDM Publishing House Ltd. Beau-Bassin, Mauritius. (2010), 138p.
- [8] I. Kaplansky, *Projections in Banach algebras*, Ann. Math., 53 (1951), 235-249

XX ASR O`RTA OSIYODA QOG`OZ TAYYORLASH TEXNALOGIYASI VA BUGUNGI KUNDA YARATILGAN QOG`OZLARGA ASAR NUSXASINI TASVIRLASH JARAYONLARI.

Bo`tayev Shoxrux Kamoliddin

Bexzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti Magistratura TSF 2-bosqich
Xattotlik va miniatyura mutaxassisligi Magistranti

Bashariyat tarixida buyuk kashfiyotlardan biri shubhasiz qog`oz hisoblanadi. Qog`oz yaratilgandan so`ng insoniyat ijtimoiy- siyosiy hayoti o`zgargan desak mubolag`a qilmagan bo`lamiz. Zero, insoniyatga tarixi, tarixiy muhim shaxslar, voqea va hodisalar, tarixiy sanalar, ilmiy va badiiy asarlar va yana ko`plab ma`lumotlar bugungi kunimizgacha aynan qog`ozlar orqali yetib kelgani so`zimizga isbot bo`ladi. O`zbekiston tarixida, xususan Samarqandda tayyorlangan qog`ozlar dunyoda shuhrat qozongani bizgacha tarixiy qo`lyozma kitoblardan yetib kelgan.

Qog`oz yaratilganidan bugungi kunga qadar asosiy yozuv ashyosi bo`lib kelmoqda. Insoniyat qog`oz yaratgunga qadar bir necha yozuv ashyolaridan foydalangan. Dastlabki bitiklar toshlarga o`yib ishlangan bo`lsa, so`ngra metal, bronza, sopol, yog`och, papirus va pergament ashyolarida uchramiz. Xar bir yozuv ashyosi o`zini avzalligi bilan bir qatorda kamchiligi xam mavjud bo`lgan. Toshlarga bitilgan yozuvlar ancha vaqt davomida saqlanish xususiyatiga ega bo`lsada, bir joydan ikkinchi joyga eltish qiyinchiliklar tug`dirgan. Metalldagi bitiklar murakkab mexnatni talab qilgan. Sopol idishlar nozik bo`lib sinish extimoli yuqori bo`lgan. Yog`och ashyosi yillar davomida yemirilish, cherish xususiyatiga ega. Pergament esa ko`plab jonvorlarni terisini talab qilgan. Shu tufayli ham bu ashyolarga yozilgan qadimgi bitiklar, qo`lyozmalarning aksari bizgacha yetib kelmagan. Tarixdan ma`lumki qaysi bir narsaga extiyoj sezilsa, inson o`sha narsani ixtiro qilishga harakat qiladi. Qog`ozga bo`lgan ehtiyoj qog`ozni kashf etilishiga turtki bo`ldi. Shu tariqa insoniyat yanada qulay va mukammalroq yozuv ashyosiga ehtiyoj sezgan va tarixda eng buyuk kashfiyotlardan biri bo`lgan qog`oz kashf qilgan. Bugungi kunga kelib qog`oz asosiy yozuv ashyosi xisoblanadi.

O`rta Osiyoning Chor rasiyasi tomonidan zabt etilgandan keyin qog`oz tayyorlash markazlaridan faqatgina Qo`qon xonligida davom ettirilgan. XIX asr boshlarida toshkentda bo`lgan Maksimov qoldirgan ma`lumotlarga ko`ra, Toshkent va Qo`qondagi qog`oz tayyorlash ustaxonalarida bir vaqtning o`zida 20ga yaqin ishchilar ishlashgan. Qog`ozning narxi nisbatan arzon bo`lgan⁵⁶. XIX asr oxirida O`rta Osiyoda faqatgina Qo`qon shaxrida qog`oz ishlab chiqarilgan, xolos. Rus olimi Grigorevning yozishicha, Qo`qon shaxridagi qog`oz tayyorlash ustaxonalarida maxsus objuvozlardan foydalanilgan. Qog`oz qo`qon shaxri va uning atrofidagi Chorku qishloqlarida ham tayyorlangan. Grigorev 1931-yilda Qo`qon qog`ozgarlari bilan uchrashadi va ular qo`qon qog`ozi tayyorlanish usullarini to`play boshlaydi.

⁵⁶ I. Yo`ldoshev / O`zbek kitobat san`ati va terminalogiyasi. Toshkent. "TURON-IQBOL" nashriyoti 2018.

Grigorev o'z to'plamida Qo'qon qog'ozgarlari tomonidan qo'llanib kelinayotgan qog'oz tayyorlash usulini va uning ifodalash mobaynida ayni sohaga oid ba'zi terminlar izohini keltirib o'tamiz.


Qog'oz tayyorlash uchun kerakli mahsulotlar (eski ko'rpa, to'nlardan ajratib olingan uvada latta) ularni rangi bo'yicha ajratib olingan. Ularni ajratishdan maqsad rangli lattalardan biror buyum o'rash uchun ishlatiladigan dag'al qog'oz tayyorlashgan. Saralangan lattalar ovjuvada 2 soat mobaynida tortilgan.

Qog'oz ishlab chiqarishda foydalanilgan tegirmonlarga fors-tojikcha "juvozi kog'az", "obi juvoz", "korxonai qog'azbardori" degan terminlar qo'llanilgan. Bunday ustaxonalarda tortilgan latta surpga solinib, yaxshilab chayilgan. Keyin suvi siqib tashlangan. So'ngra 5 pud (1 pud = 16.3805 kg) latta talqoniga 1 pud ishqor va 1/2 pud oxaktosh qo'shib, yana objuvozda 1 soat davomida tortilgan. Tortilgan qorishma 10 kun mobaynida oftobga qo'yilgan. Bunda qorishmalar rangsizlangan va quyosh tasirida yog'sizlantirilgan. Shundan so'ng qorishma yana objuvozda tortiladi va suvda chayiladi. Ikkinchi bora ham qorishmaga ishqor va oxaktosh qo'shiladi. Tortilgan qorishma talqon yana 10 kun mobaynida oftobda saqlanadi. Keyin u yana objuvozga solib 15 kun mobaynida tortilgan. Shundan so'ng qog'oz tayyorlash uchun kerak bo'ladigan xom ashyo- "qog'oz bo'tqasi" deb ataluvchi massa tayyor bo'ladi. Tayyor bo'lgan mahsulot qamishdan qilingan idishlarga solib qo'yilgan. Ba'zida uning rangini och sariq rang qilish maqsadida tuxmak, ya'ni sariq gulli o'simlik gulidan tayyorlangan sariq rang qo'shilgan. Qog'ozni quyishda maxsus to'r va tut novdasidan to'qilgan chetandan foydalanilgan. Maxsus to'r yasash uchun ko'proq ot yollaridan ishlatilgan. Qog'oz quyilishidan oldin chetan ustiga to'r to'shalgan va uning ustiga qog'oz bo'tqasi (massa) bir hil qalinlikda suzib chiqilgan. Qog'oz qay qalinlikda kerak bo'lsa qog'oz bo'tqasini ham shunga yarasha solishgan. Qalin qog'oz tayyorlash uchun nisbatan ko'proq massa sarflangan. Bu jarayonni yanada soddalashtirilgani bunda qog'oz bo'tqasi suzishdan oldin suvga qorishtirilib olingan. Ba'zan qog'oz bo'tqasi ikki bor suzib olingan. Chetandan suv to'la tomib bo'lgandan so'ng, qog'oz bo'tqasi quyushlangan qog'oz latta to'shalgan taxtakachga ko'chirilgan. Taxtakachda qog'oz yoymalari birma-bir ustma-ust qilib tayyorlangan. Ular orasiga latta yoki biror narsa qo'yish shart bo'lmagan. Ancha siqib olingan qog'oz yoymalari bir-biriga yopishmagan. Shu tariqa bir kechada 240 sahifadan iborat qog'oz bostirmasi yukning ortib borishi hisobiga suvdan to'la xalos etilgan. Tayyor bo'lgan qog'oz varoqlariga undan tayyorlangan "siraj" deb atalgan yelim surilgan va qurish uchun suvalgan devorga yopishtirib qo'yilgan. Ma'lum vaqtdan so'ng qog'ozlar qurigan va devordan ajratib olingan. Maxsus pichoq yordamida kerakli o'lcham kesib olingan. So'ngra bug'doydan tayyorlangan siraj oldin qog'ozning bir tomoniga, so'ng ikkinchi tomoniga surtib chiqilgan. Keyin qog'ozni nok daraxtidan ishlangan taxtakachga qo'yilib, tosho'qlov yordamida pardozlangan. Zarur bo'lganda pardozlash jarayoni ikki uch bor takrorlangan. Tayyor bo'lgan qog'ozlar 58x50 o'lchamda kesib olingan⁵⁷. Qog'ozlarni kesishda o'lchami 20-30 sm uzunlikdagi "miqraz" deb ataluvchi qaychilardan foydalanilgan⁵⁸.

⁵⁷ P.d. Zotov / К истории бумажного производства на Востоке / Труды ИВ. Вып. III. Изд-во ФР Узб. 1954. №163, 164.

⁵⁸ E. Axunjanov / Письмо и книгаю. Toshkent. "O'zbekiston" nashriyoti. 1983. №38.

Ba'zi hollarda, qog'oz yanada jilodor bo'lishi uchun 7 marotaba pardoqlashgan. Pardoq asbobi "muxra" deb nomlangan. Muhra fors tilidan olingan bo'lib, "Yumaloq silliq narsa yoki soqqa" ma'nosini anglatgan. Shunga ko'ra, munchoq tasbex, shaxmat donalari, tang'a kabi manolarda ham keltirilgan. Muhra yordamida jilo berilgan bu yaltiroq qog'oz O'rta Osiyoning barcha shaxarida so'nggi vaqtlarda "oxor muxrali qog'oz" deb atalgan. Ushbu qog'ozda xattot xatida xato-kamchiliklar uchrasa bu qog'ozni yuvib o'chirgan holda quritib, qayta yozish imkoniyati bo'lgan. Ayni shu qog'ozlardan turli qo'lyozmalarni ko'chirish uchun maxsus "hatfrang" (ma'nosi yetti rang) hamda muqovaning ichki tomoniga qo'yishda "abri baxor" (ma'nosi baxor buluti) deb ataluvchi qog'oz turlari ham



Orta asrlarda O'rta Osiyoda qog'oz ishlab chiqarish.

tayyorlangan⁵⁹. Qog'ozlarga muhra bilan ishlov beradigan ustalarga "muhrasan" yoki "muhrakash" terminlari bilan atalgan. Qog'ozgarlik XV- XVI asrlarda hunarmandchilikning muayyan bir kasb-kori sifatida to'liq shakllandi. Bu soha bilan shug'ullanuvchi hunarmand-ustalar avlodi vujudga keldi.

Samarqand qog'ozini tiklash yuzasidan olib borilayotgan izlanishlar Kamoliddin Bexzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn institutida ham olib borilmoqda. Institutning "Miniatyura va kitob grafikasi" kafedrasida o'qituvchilari professor Bexzod Xadjimetov va dotsent Mirxamid Sobirovlar "Ashyoda ishlash" fanida talabalar bilan birgalikda Samarqand qog'ozini tayyorlash borasida amaliy izlanishlar o'tqazilmoqdalar. Bunda talabalar qog'ozni tayyorlash bosqichlarini

⁵⁹ A. Murodov / O'rta Osiyo xattotlik san'ati tarixidan. Toshkent. "Fan" nashriyoti. 1971. №17

o`qituvchilar ko`magida ozlari bajarib kelishmoqda. So`ng talabalar o`zlari tayyorlagan qog`ozlarga o`z ijod maxsulini tasvirlashmoqdalar. Albatta qiyinchiliklar bilan tayyorlangan qog`ozlarga talabalar unga chiziladigan ijodiy ishga jiddiy yondashmoqdalar.



Kamoliddin Bexzod nomidagi Sharq miniatyura san`ati muzeyida instut professor o`qituvchisi Bexzod Xadjimetovdan qog`oz tayyorlash bo`yicha master klass.

Mashaqqatli qo`l mehnatini talab qiladigan bunday qog`oz ishlab chiqarish fan texnika rivojlangan hozirgi davrida kerakmi, degan savol o`z-o`zidan tug`ilishi tabiiy. Lekin bundan ming yillar avval, Buyuk ipak yo`li bo`ylab dong`I ketgan va dunyo- ning turli mamlakatlariga karvonlar orqali yetkazib turilgan Samarqand qog`ozi bu- gungi kundagi fan-texnika taraqqiyotiga o`z hissasini qo`shgan, uning rivojlanishining turli mamlakatlariga karvonlar orqali yetkazib turilgan Samarqand qog`ozi bugungi kundagi fan-texnika taraqqiyotiga o`z hissasini qo`shgan, uning rivojlanishi uchun keng imkoniyatlar yaratgan, desak xato qilmagan bo`lamiz. Bugungi kunda Samarqand qog`ozidan noyob mahsulot sifatida O`zbekistonlik miniatyurachi rassomlari foydalanib kelmoqda. Ulardan Niyozali Xolmatov, Davron Toshev, Mirxamid Sobirov, Bexzod Xadjimetovlarni misol qilib keltirishimiz mumkin.

Kamoliddin Bexzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti talabalari ham professor o`qtuvchilari yordamida qog`oz tayyorlamoqdalar va “Miniatyura ashyosida badiiy yechim” fanidan kurs topshiriqlarini ushbu qog`ozlarga tasvirlamoqdalar. Mazkur fandan beriladigan topshiriqlardan biri bo`lgan qadimda turli miniatyura maktablari hos asarlardan nusxa ko`chirishda talabalar o`zlari tayyorlagan qog`ozlarga tasvirlaydilar. Asar nusxasini ko`chirish bir necha jarayonlardan iborat. Asar nusxasini ko`chirishning ilk vazifasi instut tomonidan belgilangan biror miniatyura maktabiga oid asar tanlash. Misol uchun Xirot miniatyura maktabiga xos asarlardan o`rta asrlarda mag`rib-u mashriqda dong`I ketgan musavvir Kamoliddin Bexzodning Nizomiy Ganjavivning “Xamsa”sining


“Sabbai sayyor” dostonidan Baxromning xazina ustiagi ajdar bilan olishayotgani tasvirlangan asar. Bu asar XV asr oxirida chizilgan bo’lib, hozirda Londondagi Britaniya muzeyida saqlanayotgan nodir asarlardan biri bo’lib kelmoqda.


Asar nusxasini kataklarga olish jarayoni. Asar nusxasi o’lchamiga qarab bir xil o’lchamda kataklar chizib chiqiladi. Karaklarning o’lchami 1 sm kvadret bo’ladi. Bu o’lcham asarda tasvirlangan ishga qarab, kattalashishi yoki kichirayishi mumkin. Asar nusxasi kataklarga olinib bo’lgandan so’ng, ularni yuqori qismda joylashgan kataklar tepasiga chapda o’nga qarab 1 dan boshlanib, kataklar tugagunga qadar raqamlab chiqiladi va shu zaylda tepadan pastga qarab biqinchi kataklar yoniga raqamlar qo’yib chiqiladi. Kataklarni raqamlab chiqish asarni qoramamaga tushirishda ishni yengillashtiradi va tartibga soladi.

Asar nusxasini qoramamaga tushirish jarayoni. Asar nusxasi kataklarga olinib bo’lingach, boshqa bir qog’ozga huddi shu o’lchamda kataklar chizib chiqiladi. Rassom qoramamadagi kataklarni o’z hohishidagi o’lchamga qarab, kattalashtirishi yoki kichraytirishi mumkin. Qoralama nusxaga ham asar nusxasi kabi raqamlab chiqiladi. Asar nusxasidagi kataklar ichidagi chiziqlar birma bir qoralama nusxaga chiziladi. Nusxa chizib chiqilgandan so’ng qog’ozning orqa tomoni yumshoq qalam yoki retush bilan to’liq bo’yab chiqiladi.

Qoralama nusxani original qog’ozga tushirish jarayoni. Talabalar o’zlari tayyorlagan qog’ozga tushirilishi lozim bolgan joyga qoralama nusxa asar yelim qog’oz yordamida mustaxkamlab qo’yiladi. qoralama asar o’z joyidansiljib ketmasligi lozim. Aks holda asar noto’g’ri joylashib, asl nusxadan farq qilib qoladi. Asardagi chizgilar ustidan uchli buyum (ruchka, nina, sirkulning uchi) bilan bosib chizib chiqiladi va qoralama qog’oz sekin olib tashlanadi. Qog’ozning orqa tomonidagi qalam, retush bilan bo’yalgan joylari asarni asl qog’ozga o’tishini ta’minlaydi. So’ng 0.5 yoki 0.7 avtoqalamlar bilan chiziqlar aniqlashtirib chiqiladi.

Asar nusxasini turlash jarayoni. Asar nusxasini turlash jarayonida dastlab asardagi orqa qismidagi yirik fondan boshlanadi. Bunda ko’pincha osmon, tog’lar, daraxt, yer va boshqa yirik buyumlardan iborat. Nusxani turlash jarayonida ranglar asl nusxadagi ranglardan olinadi. Ranglar imkon qadar 1/1 darajada bo’lishi lozim. Yirik fonlar turlanib bo’lingach birin ketin mayda detallar ham turlanadi.





Asar nusxasini tasvirlash jarayonlari.

Asar nusxasini siyoxqalam tortish jarayoni. Asar nusxasi to'liq turlanib bo'linganidan so'ng, unga siyoxqalam tortiladi. Asarning qaysi tomonidan siyoxqalam tortish rassomga bog'liq. Siyoxqalam tortish rassomning o'ziga qulay joydan boshlanadi. Ba'zi rassomlar asarning tabiat qismidan boshlashsa ba'zi rassomlar bosh qaxramondan boshlashadi. Bunda siyoxqalam tortish qayerdan boshlanishi ahamiyatsiz bo'lib, asosiy vazifa tasvirlanayotgan nusxa asal nusxaga 1/1 holatda bo'lishidir. Asar siyoxqalami yakunlangach uning chet qismida joylashgan xoshiya chiziqlarini resfedr yordamida chizib chiqiladi va ish nixoyasiga yetadi.

Tayyor bo'lgan asar o'ziga mos bo'lgan ramkaga joylashtiriladi va uni talabalar o'quv yili davomida bo'lib o'tadigan yakuniy prasmotrlariga qo'yib, sifatiga qarab o'z baxolarini olishadi.

Mazkur tayyorlangan qog'ozlar yurtimizda saqlanayotgan nodir qo'lyozma kitoblarni tamirlashda, unga chizilgan naqsh, xattotlik yozuvlari, miniatyura asarlari kelajakda yurtimizdagi bir qator muzeylar fondini boyitishda katta ahamiyat kasb etib, mamlakatimizning iqtisodiy salohiyatiga va turistik faoliyatiga o'zining muayyan hissasini qo'shishi shubxasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar;

- 1) I. Yo'ldoshev / O'zbek kitobat san'ati va terminalogiyasi. Toshkent. "TURON-IQBOL" nashriyoti 2018.
- 2) P.d. Zotov / К истории бумажного производства на Востоке / Труды ИВ. Вып. III. Изд-во ФР Узб. 1954. №163, 164.
- 3) E. Axunjanov / Письмо и книгаю. Toshkent. "O'zbekiston" nashriyoti. 1983. №38.
- 4) A. Murodov / O'rta Osiyo xattotlik san'ati tarixidan. Toshkent. "Fan" nashriyoti. 1971. №17

ТРАНСМИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАР: ВАЛЮТА БИЛАН БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли,

Тошкент давлат юридик университети докторанти

E-mail: n.hamidov@tsul.uz

Аннотация: Ушбу ишда валюта қимматликлари билан боғлиқ бўлган ва бугунги кунда ҳар жабҳада учраётган трансмиллий жиноятларнинг бир қисмига айланиб бораётган бир қатор масалалар батафсил муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: валюта қимматликлари, трансмиллий жиноят, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, санкция, коррупция.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида валюта қимматликларининг божхона чегараси орқали олиб кирилиши ва олиб чиқилиши меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган ва баъзи чекловлар ўрнатилган [4].

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти билан боғлиқ иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишида валюта қимматликларини ноқонуний олиб чиқиб кетилишига қарши кураш усулларини ҳам такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда хорижий давлатларга олиб чиқиб кетилишига қарши курашнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.1. (макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш) бандига асосан, валютани тартибга солишнинг илғор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, валюта қонунчилигини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланган;

иккинчидан, аниқланган қонунбузарликлар таҳлили, Ўзбекистон Республикасидан валюта қимматликларини ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатлари содир этилаётганлигини кўрсатмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний олиб чиқиётган валюта қимматликларининг қиймати ошиб бормоқда;

учинчидан, чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилиши кўпинча шубҳали оффшор зоналарга маблағларни ўтказиш билан боғлиқ бўлиб бормоқда;

тўртинчидан, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда хорижий давлатларга олиб чиқиб кетишнинг янги усуллари кенг тарқалмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига кўра, инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминловчи давлат органи сифатида қонунчиликда судлар эътироф этилмоқда [3]. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг ”Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари” номли 16-моддасида фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига суд санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилашни тақазо этмоқда [2]. Яъни валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиш ҳолатларини аниқлашда суд санкцияси асосида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган маъмурий ва жиноий ишларда далилларнинг мақбуллиги ошади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда хорижий давлатларга олиб чиқиб кетилишига қарши курашнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [1, 5]:

- оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет жаҳон тармоғи ва “Facebook”, “Telegram”, “WhatsApp” ва “Instagram” каби ижтимоий тармоқларда қисқа метражли видео лавҳалар жойлаштириш орқали ҳамда телевидение, радио орқали валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш ҳолати учун Ўзбекистон Республикасида маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжудлигини мунтазам равишда тарғибот қилиб бориш;

- оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет жаҳон тармоғи ва “Facebook”, “Telegram”, “WhatsApp” ва “Instagram” каби ижтимоий тармоқларда валюта қимматликларини Ўзбекистон ҳудудида сақлаб қолиш, муомалада фойдаланиш, хориждан жалб қилиш бўйича қисқа метражли видео лавҳалар жойлаштириш орқали ҳамда телевидение, радио орқали Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, тадбиркорлари ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларига “Иқтисодий ватанпарварлик” ғояларини мунтазам равишда тарғиб қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи фуқаролари, яқка тартибдаги тадбиркорлари ва хўжалик фаолиятини юритувчи бошқа субъектлар билан хорижий давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни икки давлатнинг миллий валюталарида амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Salaev N., Khamidov N. Qualification Of Smuggling: Uzbek Legislation And Foreign Experience //Ikkogretim Online. – 2021. – Т. 20. – №. 3. – С. 1661-1667.
2. Хамидов Нурмухаммад (2020). Понятие транснациональных преступлений и социальная необходимость установления ответственности за них. Review of law sciences, 5 (Спецвыпуск), 118-127. doi: 10.24412/2181-919X-2020-118-127
3. Gafurova N., Khidoyatov B., Sunnatov V. Criminal responsibility of medical workers: national and foreign experience //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 12. – №. 2. – С. 157.
4. Xidoyatov, B. (2018) "Conceptual framework for the development of criminal legislation of the Republic of Uzbekistan," Review of law sciences: Vol. 2: Iss. 4, Article 17. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss4/17.
5. Nodirbek S. Preventive legal status of convicts in the penitentiary system of Uzbekistan //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 04. – С. 17-39.

Амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатлари

Думаев Файзуллохон Сувонхонович

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига мустақил-изланувчиси

Аннотация:

Ушбу тезисда амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатлари, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш ҳам ўзига хос процессуал хусусиятлари, амнистия актини қўллаш бўйича айрим илмий ва назарий мулоҳазалар, амнистия актини қўллашда жиноят процессида жиноий жавобгарлик ва ундан озод қилиш муаммолари ва бу борада муаллифнинг илмий таклифлари ўрин олган.

Калит сўзлар:

Амнистия акти, суд, жиноий жавобгарлик, айбланувчи, судланувчи, суриштирувчи, терговчи, прокурор, терговга қадар ўтказилган текширув материаллари.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ўзининг ҳуқуқий хусусиятига кўра суд ҳужжати-ахборотнинг моддий ташувчиси ҳисобланади⁶⁰. “Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш” тартибига бағишланган янги 63-боб жиноят-процессуал қонунчиликка киритилганига қадар ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини судлар томонидан қўлланилиши тартиби бирор-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланмаган эди. Бу ўз навбатида амнистия актини қўллашда турли тушунмовчиликлар, қонун нормаларини қўллашда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда эди. Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга киритилган 63-боб алоҳида тоифада кўриладиган ишлар турини яна биттага кўпайтирди.

Таъкидлаш керакки, қонунда амнистия актини фақат судлар томонидан қўлланилиши ҳақидаги қонуннинг белгиланиши мамлакатимиз Конституциясининг моҳиятидан келиб чиқади ҳамда ушбу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш ҳам ўзига хос процессуал хусусиятлари – ишни судда кўришнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилганлиги; айбланувчи, судланувчининг аризасига асосан юритилиши; жиноят процесси мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлган ўзига хос қўшимча мақсадларни ҳам кўзлаши; суд мажлисида кўриб чиқиш тартибига оид ўзига хос жиҳатлар ва бошқа хусусиятлар билан жиноят ишларини юритишнинг умумий тартибидан фарқланади.⁶¹

⁶⁰ Головинская И. В. Уголовно-процессуальные основания прекращения уголовных дел мировым судьей. 2008. С-56.

⁶¹ Нестеренко И.В. Амнистия как институт досрочного освобождения: Принятие и последствия исполнения. Дисс на соискание кандидата юридических наук. 2006 – С. 89.

Ҳуқуқшунос олим профессор М.Х.Рустамбоев ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш борасида амалга оширилган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда қуйидагиларни таъкидлайди: “... илгари жиноят содир этган шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш масаласи жиноят иши кимнинг иш юритувида эканлигига қараб, тегишинча суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ҳал қилинар эди. Ҳукм қонуний кучга кирмаган ҳолларда судланган шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш масаласи суд томонидан, жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан эса амнистия актини қўллаш бўйича комиссиялар томонидан ҳал қилинар эди. Амнистия актини қўллашнинг суд тартиби жорий этилиши судгача иш юритиш ва ҳукмни ижро этиш босқичларида суд назоратини ўрнатиш бўйича яна бир жиддий қадам бўлди. Мазкур тартиб амнистия актини қўллашда қонунийликни таъминлаш ва амнистия акти таъсир доирасига тушадиган шахсларнинг ҳуқуқларини қимоя қилиш мақсадларига тўлиқ жавоб беради”.⁶²

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган бўлса-да, унда амнистия акти асосида қандай турдаги жиноятлар учун жавобгарликдан озод қилиш мумкинлиги назарда тутилмаган. Шунинг учун ҳам ҳар сафар жавобгарликдан озод қилиш шартлари амнистия актининг ўзида кўрсатилиб ўтилади.

Амнистия акти нафақат жавобгарликдан озод қилишни, балки жазодан озод қилишни ҳам назарда тутди. Жиноят кодексининг 76-моддасига асосан, ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки афв этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равида озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга Жиноят кодексининг 60-моддасида (бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш) назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Ишни судга қадар юритиш босқичида иш юритиш тартиби қуйидагича: шахснинг содир қилган қилмиши амнистия акти таъсирига тушадиган бўлса ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айблана-ётган шахс ўзига нисбатан амнистия актини қўллашга рози бўлса, тергов ҳаракатлари тўхтатилиб, иш судга оширилиши лозим бўлади.

Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчи-нинг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш

⁶² Рустамбаев М.Х. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда суд-ҳуқуқ ислохотларининг зарурияти // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №1.

ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Қонун бундай тақдимномага амнистия актини қўллаш масаласи қўйилаётган шахс аризаси ҳам илова қилинишини талаб этиши туфайли, суриштирувчи, терговчи дастлаб унга ариза бериш ҳуқуқи ва келиб чиқиши мумкин бўлган процессуал оқибатларни тушунтириши шарт бўлиб, бу ҳақда баённома тузилади.⁶³

Илгари ҳам амалиётда амнистия актини қўллаш учун ушбу акт қўлланилиши керак бўлган шахснинг розилиги талаб қилинар эди, аммо, шахснинг розилиги бўлиши ҳақидаги қонданнинг қонунан мустаҳкамланмаганлиги ушбу жараёнда турли қонун бузилиши ҳолларига олиб келиши мумкин эди. Бундан ташқари амнистия актини қўллаш учун шахснинг розилиги талаб қилиниши ҳақидаги қонданнинг мавжудлиги, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини янада кенгайтиришга (ўзининг суд томонидан оқланишини талаб қилиш, қилган жинояти учун жазони ўтаб чиқиб айбни бошқа такрорамаслик каби ҳолатларни талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.) хизмат қилади.

Прокурор суриштирувчи, терговчининг тақдимномасига рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади ва у суд томонидан ЖПК 63-бобида назарда тутилган тартиб ва қоидаларга биноан кўриб чиқилади.

Илтимосномани кўриб чиқишда прокурор албатта иштирок этади.

Суд муҳокамасида прокурор амнистия акти қўлланилиши лозим бўлган шахсга, жабрланувчи, гувоҳларга, эксперт ва мутахассисларга савол бериш, илтимослар қилиш, далиллар келтириш, қўшимча гувоҳлар ва хужжатлар талаб қилиш, далилларга баҳо бериб, ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг суд муҳокамасида иш юзасидан қилган илтимос ва талаблари суд учун мажбурий бўлмай умумий асосларда ҳал қилинади. Суд ишга ҳолисона ёндошган ҳолда, бир ҳулосага келади.

Суд муҳокамасида прокурор иштирокчиларга кўрсатма ёки йўл-йўриқлар бера олмайди, лекин судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш ҳамда далилларни текшириб, баҳо беришда фаол иштирок этиши мумкин.

Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги суд мажлисининг ўтказилишига монелик қилмайди.

Агар суд мажлиси давомида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги аниқланса, суд иш материалари бўйича жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – Тошкент, 2006. – №4.

Шу ўринда амнистия актини қўллаш бўйича айрим мулоҳазаларга муурожаат қилсак. Масалан, ЖПКда бир нечта шахс томонидан жиноят содир қилинган ва иштирокчилардан бирига амнистия акти қўлланиши мумкин бўлган, иккинчисига мумкин бўлмаган ҳолларда амнистия актини қўллаш масаласига эътибор қаратсак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳуқуқи бузилган ёки чекланган деб ҳисобланган ҳар қандай шахс судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Жиноят процессида амнистия актини қўллаш ҳақидаги қонун нормаларининг янада такомиллаштирилиши ушбу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жинойий жавобгарликдан амнистия акти асосида озод қилиш 2 хил усулда амалга оширилади:

1. Жиноят ишлари қўзғатилган ҳолда;
2. Жиноят ишлари қўзғатилмаган ҳолда.

Қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга асосан (ЖПКнинг 587-моддаси) амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахсининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборилиши белгиланди.

Ишни судга қадар юритишда амнистия актини қўллаш миллий қонунчилигимизга киритилган энг янги ўзгаришлардан бири бўлиб, у ишни соддалаштирилган тартибда юритиш ва жинойий таъқибни барвақт тугатишни назарда тутди. Мазкур тартибнинг жорий қилиниши муносабати билан суднинг ваколатларига тегишли қўшимчалар киритилди. ЖПКнинг 63-бобида суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят иши прокурорга юборилиши, прокурор томонидан амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритилиши, материал ёки ишнинг судда кўрилиши ва қарор қабул қилиниши тартиби белгиланган. Амнистия актини қўллашнинг суд тартиби жорий этилиши муносабати билан терговчига амнистия актига асосан жиноят ишнинг қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритиш, шунингдек мазкур масала юзасидан прокурорнинг тақдимнома киритиш ҳақидаги кўрсатмасидан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи берилди. Бу эса, З.Ф.Иноғомжонова таъкидлаганидек, жиноят процессига суд назорати кириб келишининг воситаси ҳисобланади⁶⁴. Шунингдек, гумон қилинувчига амнистия

⁶⁴ Иноғомжонова З.Ф., Мамадиев С.Н. Шикоят- жиноят процессига суд назорати кириб келишининг воситаси сифатида // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - жиноят-процессуал қонунининг ҳуқуқий асоси сифатида. Илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2009. -Б. 5.

актини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Амнистия актини қўллашда қонунбузарликларга, суиистеъмолликларга йўл қўймаслик, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилмаслигини таъминлаш муҳим масала саналади. Бу борадаги вазифалардан бири прокуратура органлари зиммасида эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Парламент юқори палатасининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги низомда "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори амнистия тўғрисидаги қарорнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлайди" деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жойлардаги прокурорлар томонидан мазкур низом, шунингдек, Бош прокурорнинг бу борадаги кўрсатмаси талабларининг тўлиқ ва белгиланган муддатда ижро этилишини таъминлаш устидан назорат олиб борилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда бўлиши учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари амнистия тўғрисидаги қарор асосида жазодан озод этилгач белгиланган тартибда республикамиздан чиқариб юборилади.

Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахслар, шунингдек, ишлари суриштирув, тергов ва суд органлари юритувида бўлганларнинг тегишлиларига ҳам мазкур қарор татбиқ этилади.

Юқоридагиларга асосланиб фикримизча, Судда ишларни юритишда тортишув деб номланувчи ЖПКнинг 25-моддаси биринчи қисми "Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади." диспозициясида "тортишуви асосида" сўзларидан кейин **"ярашув, амнистияни қўллаш, телефон сўзлашувларини эшитиб туришга рухсат олиш ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно"** сўзларини киритиш лозим. Чунки ушбу институтлар қўлланилганда ҳар доим ҳам тарафлар иштирок этавермайди.

Фикримизча, судда ишларни юритишда тортишув деб номланувчи ЖПКнинг 25-моддаси 3-қисми "Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин" диспозициясига қарор мавжуд бўлганда сўзларидан кейин **"ярашув, амнистия актини қўллаш каби прокурор илтимосномалари билан келиб тушган ишларни"** сўзларини киритиш таклиф қилинади. Чунки ярашув, амнистия актини қўллаш каби прокурор илтимосномаси ҳам биринчи инстанцияда кўриб чиқилади.

